

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**“Акционерлик корхоналарида капиталдан унумли фойдаланиш
(Қарши ёғ-экстракция ОАЖ мисолида)”**

мавзусидаги

КУРС ИШИ

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт” таълим
йўналиши битирувчиси И-265 гуруҳ
талабаси _____ Асрамов
Жахонгир

ИЛМІЙ РАҲБАР:
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти
_____ Қурбонов А.Б.

Курс иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди
_____ сонли баённома “ _____ ” _____ 2015 йил

ҚАРШИ – 2015 йил

МУНДАРИЖА

	Кириш	
I боб	МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА АКЦИОНЕРЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ТУТГАН ЎРНИ ВА АКЦИОНЕРЛИК КОРХОНАЛАР КАПИТАЛНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАБИАТИ	
1.1	Миллий иқтисодиётда акционерлик корхоналарини тутган ўрни ва корхона капитали тулари	
1.2	Акционерлик корхоналари капиталининг шаклланиши хусусиятлари	
II боб	АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КАПИТАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА КАПИТАЛНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
2.1	Акциядорлик жамиятининг устав фонди ва акциялар номинал қиймати ҳамда турлари	
2.2	Акционерлик капиталига дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳамда давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлардан фойдаланиш хусусиятлари	
III боб	“ҚАРШИ ЁҒ ЭКСТРАКЦИЯ” ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИДА АКЦИОНЕРЛИК КАПИТАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАМОИЛЛАРИ	
3.1	Акционерлик корхоналари капиталининг шакллантиришнинг методолик асослари ва акциядорлик жамияти иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	
3.2	Акционерлик капиталини кўпайтириш ва камайитириш орқали унумли фойдаланиш йўллари	
	Хулоса	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигага эришгач, мамлакатнинг барча хўжалик юритиш тизимини бозор муносабатларига ўтиши, иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланувчи корхона мақомининг сезиларли равишда ўзгаришига сабаб бўлди. 2015-йилда кўзда тутилаётган капитал қўйилмалар ҳажми АҚШ доллари ҳисобида 15 миллиард 960 миллиондолларни ёки 2014-йилга нисбатан 110,1 фоизни ташкил этади. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 23,1 фоизга етади. Ушбу маблағларнинг 74,5 фоизга яқини ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, 43,1 фоизи асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтирилади. Чет эл инвестициялари ҳажми 3,5 миллиард доллардан ошиб, уларнинг умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 22,1 фоизни ташкил этади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши эса 11,2 фоизга кўпаяди. Корхоналар эндиликда давлатга тегишли бўлган пайтлардагидан фарқли ўлароқ маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятларини директива кўрсаткичлари асосида эмас, балки Ўзбекистон Республикаси “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни ва бозор талабларига асосан мустақил равишда юритмоқда. Улар ўзларига керак бўлган ишчи ва ходимлар сонини мустақил белгиламоқда, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси, тежамкорлик режимига риоя қилиш масалалари билан шуғулланмоқда, замонавий маркетинг ва менеджментни йўлга қўймоқдалар ҳамда жорий ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар ва ривожланишнинг зарурий прогнозларини амалга оширмоқдалар¹.

Мамлакатимиз тараққиётининг ижтимоий йўналтирилган бозори иқтисодиёти йўлининг танланиши хўжалик юритиш шакллариининг хилма-хиллиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кучайишини тақозо этади. Бу ҳол республикада ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг шаклланиши, хўжалик юритиши ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли – турман янги шакллариини ташкил топишига ва ўз фаолиятини юксалтириб боришига олиб келмоқда. Бугунги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш корхоналарининг кундаги энг асосий муаммолардан бири ишлаб чиқаришни молиялаш манбаларини шакллантиришдан иборат. Чунки ишлаб чиқаришни молиялаш манбаларини шакллантиришдаги мустақиллик инвестицияларга нисбатан эҳтиёжни ошишига олиб келмоқда. Шунга кура ишлаб чиқариш мақсадининг асослигини асослаш ҳамда уни инвестициялаш масалаларини ҳал этиш давр талаби бўлиб, уларни ҳал этишда алоҳида илмий изланишлар ва молиялаштириш манбаларини назарий жихатдан таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида Республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат мулкчиликни барча шакллариининг бирдай фойдаланиш, натижада эркин бозор, пул муносабатларига асосланган, иқтисодий тизим ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга қаратилган. Бундай мақсадни амалга оширишда албатта, ортиқча капитал танқислигининг юзага келиши ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Юзага келган бундай танқисликни бартараф этишда мамлакат иқтисодиётига киритилган сармоялардан оқилана фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари фаолиятининг молиялаштириш манбалари ва улардан оқилана фойдаланишда ҳамда инвестицион лойиҳаларни хорижий инвестор капитали ҳисобига молиялаштириш инвестиция маблағлари билан бирга янги ва замонавий технологияларни ҳам иқтисодиётга олиб киришини алоҳида эътиборга олиш лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

I БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА АКЦИОНЕРЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ТУТГАН ЎРНИ ВА АКЦИОНЕРЛИК КОРХОНАЛАР КАПИТАЛНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАБИАТИ

1.1. Миллий иқтисодиётда акционерлик корхоналарини тутган ўрни ва корхона капитали тулари

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъект энг биринчи навбатда фирма сифатида майдонга чиқади. Иқтисодиёт назариясида фирмани бир ёки бир неча корхоналарга эгалик қилувчи ва ресурслардан фойда олиш мақсадида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун фойдаланувчи ташкилот сифатида таърифланади. Фирмаларни классификациялашда кўпинча мулкчилик шаклини ёки фирманинг кўламини асос қилиб олади.

Ширкат ёки шерикчиликда икки ва ундан ортиқ шахслар бизнесни биргалашиб ташкил этадилар. Шерикчиликни анча осон ташкил этиш мумкин ва у маблағларни тез бирлаштиришга имкон беради. Хўжалик юритиш субъекти бу турини камчиликлари молиявий ресурслар чекланганлигида ва ҳар бир иштирокчининг фирма фаолияти натижаларидаги ҳиссасини аниқлаш мураккаблигида кўзга ташланади. Фирмани биргаликда бошқариш ҳам муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Иқтисодиёт назариясида биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ягона юридик шахс сифатида бирлашган кишилар йиғиндисини корпорация деб аталади. Корпорацияда умумий мулкка эгалик ҳуқуқи акциялар кўринишидаги бўлакларга бўлинган бўлади. Корпорация мулкидаги иштирок ёки корпорация мулкига эгалик акцияларга эгалик кўринишида ифодаланади. Шунинг учун корпорация акциядорлик жамияти деб аталади.

Фирмани корпорация (акциядорлик жамияти) кўринишида ташкил этишни зарур қилиб қўювчи биринчи сабаб пул капиталига эҳтиёждир. Кичикроқ корхонани ёки устахонани ташкил этиш учун жуда катта миқдорда пул маблағлари талаб этилмайди. Лекин қайта ишлаш саноатида, айниқса замонавий технологиялар ва технологик линиялардан фойдаланишга асосланган корхоналарни ташкил этишда пул ресурсларига эҳтиёж жуда катта бўлади, асосий капиталга ва айланма маблағларга инвестициялаш учун молиявий ресурслар керак бўлади. Бундай шароитда корхонани акциядорлик жамияти кўринишида ташкил этишдан бошқа маъқулроқ йўл йўқ.

Акциядорлик жамиятининг хўжалик юритиш субъекти ва мулкчилик муносабатлари шакли сифатидаги асосий хусусиятлари қуйидагиларда ифодаланади:

- акциядорлик жамиятининг мулкӣ, ҳуқуқӣ, иқтисодӣ ва ташкилий жиҳатлари алоҳида қонунчиликда белгилаб берилади. Бу қонунчилик, бир томондан, мулкдорлар, шу жумладан йирик мулкдорларнинг мулкни тасарруф этишдаги устун мавқеини таъминласа, иккинчи томондан майда мулкдорлар (майда акциядорлар) ҳуқуқларини ва манфаатларини кафолатлаб қўяди;

- акциядорлик жамиятида мулкка эгалик билан мулкдан тадбиркорлик фаолияти мақсадларида фойдаланиш жараёнида содир бўладиган иқтисодӣ таваккалчилик бир-биридан ажратиб қўйилган. Корхона фаолияти натижалари учун мулкдор масъулияти унинг мулкдаги улуши билан чекланган;

- корхонага эгалик қилиш билан корхонани бошқариш жараёни алоҳидалаштирилган. Алоҳида олинган акциядорнинг корхонани бошқарув жараёнига аралашishi муайян тартиб-қоидалар доирасида юз бериши мумкин, холос. Акциядор корхонани жорий бошқариш жараёнига бевосита аралаша олмайди. Корхона маъмурияти алоҳида олинган акциядор манфаати учун эмас, балки барча акциядорлар умумий манфаати учун ишлай олади;

- корхона фаолияти акциядорлик жамиятида хўжалик субъектларини ташкил этиш бошқа шаклларига нисбатан мулк эгалари томонидан бир мунча батафсилроқ тартиблаштириб қўйилган бўлади. Акциядорлик жамияти уставида корхоналар бошқа турлари уставлари ёки низомларидагига нисбатан корхонани бошқариш, бошқарув

тузилмалари ўзаро муносабатлари, молия-хўжалик фаолиятини тасарруф этиш ва бошқа қатор масалалар ҳал этилиши тартиби аниқ-равшан белгилаб қўйилади;

- корхона фаолияти ва унинг натижалари мулкчилик бошқа турларига нисбатан шаффофрок характерда. Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи ҳолис аудитор томонидан тасдиқланиши ва очиқ матбуотда эълон қилиниши лозим;

- акциядорлик жамияти уч поғонали бошқарув тизимига эга бўлади. Бошқаришнинг олий органи акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб, у корхона тараққиётининг асосий стратегик йўналишларини белгилаб беради, мавжуд қонунчилик доирасида корхонани бошқаришнинг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади ёки тасдиқлайди. Акциядорлар умумий йиғилишлари оралиғида корхона фаолиятига умумий раҳбарлик ва назорат кузатувчилар кенгаши зиммасида бўлади. Уни акциядорлар умумий йиғилиши сайлаб қўяди. Корхонани оператив, тактик бошқариш эса ижроия органи зиммасига юкланади. Бу орган турлича номланиши ёки тузилиши мумкин (ижрочи директор ёки директорлар кенгаши), лекин унинг фаолияти бевосита кузатув кенгаши томонидан назорат қилинади;

- хўжалик субъектларини ташкил этишнинг бошқа шакллариغا нисбатан акциядорлик жамиятида бошқарув ижроия органининг корхона мулкчини идора этишдаги реал ҳуқуқлари ва мавқеи бир мунча юқори бўлади. Расман, ҳар бир акциядор корпорациянинг ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин. Амалда эса акциядорларнинг анчагина қисми, айниқса, майда акциядорлар, бошқарув масалаларини ҳал этишда жуда суёт қатнашадилар. Акциядорлар кўпчилиги бошқарув масалаларини ҳал этишни ёлланма бошқарувчиларга юклашга мойил. Шунинг учун реал ҳокимият сезиларли даражада акциядорлик жамиятининг ижроия органи қўлида тўпланади.

Акциядорлик жамиятлари очиқ турлик акциядорлик жамияти ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти сифатида ташкил этилиши мумкин. Очиқ турдаги акциядорлик жамияти акциядорлари ўзларига тегишли акциялардан бошқа акциядорлар розилигисиз эркин фойдаланишлари мумкин. Одатда очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акцияларига очиқ обуна ўтказилади ва эркин сотилади. Ўзбекистонда очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг акциядорлари минимал ва максимал сони чекланмаган.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида акциялар фақатгина унинг таъсисчилари ёки жамиятнинг таъсис ҳужжатлари ёки уставида олдиндан белгилаб қўйилган шахслар орасида тарқатилади. Бундай жамият ўзи чиқараётган акцияларга очиқ юбуна ўтказишга ёки бошқа йўл билан чекланмаган шахслар доирасига сотиш учун таклиф қилишга ҳақли эмас. Ўзбекистон Республикасида ёпиқ турдаги жамият акциядорлари сони эллик кишидан ортиб кетмаслиги керак. Акциядорлар сони бу миқдордан ортиб кетган тақдирда жамият бир йил ичида очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилиши лозим. Шу муддат давомида мазкур шарт бажарилмаса, акциядорлик жамияти суд тартибида тугатилиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жамиятни демократиялаштириш, иқтисодиёт салоҳиятларини мустаҳкамлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатларига ўтишнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган модели асосида ривожланиб бормоқда. Бу модел Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган иқтисодиётни ислохот қилишнинг бешта муҳим тамойилига асосланган ҳамда хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ҳимоя қилувчи зарурий қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган.

Иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилинувчи ушбу вазифаларнинг амалга оширилишида корхоналарга катта роль ажратилиб, улар иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлиш билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш туфайли истеъмолчиларнинг талабларини ҳам қондирадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида маъмурий буйруқбозлик хўжалигидан фарқли ўлароқ иқтисодий фаолият маркази барча иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлган – корхоналар томонига силжиб ўтади.

Корхона – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бош бўғини бўлиб, унда илмий иқтисодиётнинг асосий иқтисодий масалалари ҳал этилади.

Маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш муайян технологик жараёнлар, меҳнат қуроллари материаллари, одамларнинг билими ва кўникмалари ижтимоий меҳнат тақсимооти ва кооперациялашга асосланган ҳода мустақил амалга ошириладиган тизимга айтилади.

Корхона иш ўринларини беради иш ҳақи тўлайди солиқлар тўлаш йўли билан давлат ва ижтимоий дастурларни амалга оширишда қатнашади.

Айнан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари ва ишчини ишлаб чиқариш воситалари билан ўзаро алоқаси амалга оширилади.

Корхона ўз фаолиятини ўзи бошқаради, ишлаб чиқарилган маҳсулотни олинган соф фойдани солиқ ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган қисмини тасарруф этади.

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва ассортименти, хилма-хиллиги, хом ашё етказиб берувчилар ва ҳаридорлар баҳоларни шакллантириш, ресурслардан тежамли фойдаланиш, кадрларни қўллаш, юқори унумли техника ва технологиядан фойдаланиш масалалари ҳал этилади.

Корхона фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чиқаришни қуйидагича ташкил этиш шаклларига эга:

- Концентрациялаш, бир жойга жамлаш;
- Ихтисослаштириш;
- Кооперациялаш;

Ишлаб чиқаришни мураккаблаштириш каби усуллардан фойдаланишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, корхона бу - ҳуқуқий шахс мақомига эга, мустақл равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш асосида истеъмолчилар (ҳаридорлар) талабини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди.

Акционерлик корхоналарининг фаолияти миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Акционерлик корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бутун иқтисодиётнинг, жумладан, уларнинг ўзларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти акционерлик корхоналар фаолиятини эркинлаштиради, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлайди ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рентабелликнинг юқори кўрсаткичларига эришишга кенг имкониятлар яратади, деб ҳисобланади. Балки ҳақиқатдан ҳам шундайдир. Бироқ корхона, айниқса, давлатга тегишли бўлган корхона қандай ишлаши, унинг жамиятга келтирувчи фойдаси, рентабеллик даражаси, ходимларнинг бандлиги қандай бўлиши фақат корхоналарнигина эмас, давлатнинг ҳам кўз олдида бўлиши зарур. Худди шунинг учун ҳам давлат корхоналарга катта имкониятлар яратиб бериш билан бирга уларни белгиланган тартибда назорат қилиб ҳам боради. Давлат корхоналар “тақдирига”, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти якуний натижаларига бефарқ қараб тура олмайди. Банкротга учраган корхоналар, зарар келтирувчи ишлаб чиқариш, иқтисодий ночорлик - буларнинг барчаси корхона жамоаси учун ҳам, давлат учун ҳам оғир юк ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитларида барча корхоналар ҳам рақобатчиликни енгиб, самарали ишлаб кета олмайди ҳамда даромад ёки фойда ололмайди. Натижада минглаб корхоналар ташкил қилиниб, хўжалик фаолияти доирасига қўшилади ва деярли шунчаси турли сабабларга кўра тугатилади. Шу сабабли банкротлик, корхоналарнинг тугатилиши бозор иқтисодиёт шароитларида одатий ҳол бўлиб, бу аҳволга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш керак бўлсада, лекин бундан фожеа ҳам яшаш керак эмас.

Халқ орасида “Камбағал ва касал бўлгандан кўра бой ва соғлом бўлган афзал” деган гап бор. Шу гапга амал қиладиган бўлсак, яхшиси корхонани банкрот бўлишга олиб келмаслик, унинг иқтисодий мустақиллиги, меҳнат қобиляти ва даромадлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни қўллаш зарур. Корхонанинг меҳнат қобиляти

ва даромадлиги миллий иқтисодиётга кўшиладиган ҳисса бўлишдан ташқари республикада тобора кўпайиб бораётган аҳолини иш билан таъминлашда ҳам аҳамият касб этишини унутмаслик муҳим. Кўриниб турибдики, исталган корхонанинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, олинадиган фойда ёки даромад миқдоридан ташқари бу корхонанинг аҳолини иш билан таъминлашдаги иштирокига ҳам боғлиқ бўлади. Аҳолини иш билан таъминлар экан, корхоналар ўзларининг бевосита ишлаб чиқариш функцияларини бажаришдан ташқари ишсизликнинг камайишига, демак, тўғри, меҳнат фаоллигининг ортиши ва ижтимоий аҳволнинг яхшиланишига ҳам сабабчи бўлади.

Бу ерда ҳамма нарса фақат корхонанинг ўзига боғлиқ эмаслиги кўриниб турибди, албатта. Чунки корхона ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида хом ашё, материал, асбоб-ускуна ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ёки маҳсулот истеъмолчилари сифатида ҳаракат қилувчи бошқа корхоналар билан ўзаро алоқага киришади. Бу муносабатларда ҳар бир камчилик ва нуқсонлар, жумладан, хом ашё, материал ва асбоб-ускуналарни вақтида етказиб бермаслик, ўз вақтида ҳақ тўламаслик, қарзларни тўлаш муддатларининг ўтказиб юборилиши ва бошқа хўжалик юритиш қоидалари ва мажбуриятларининг бузилиши корхона иқтисодий аҳволининг ёмонлашишига, унинг ночорликка учрашига олиб келади. Шу сабабли корхоналар фаолиятини самарали ва юқори рентабелли даражада амалга ошириш зарурияти, барча корхоналар ишлаб чиқаришни керакли тарзда ташкил қилиш ҳамда ўз ҳамкорлари ва давлат олдидаги мажбуриятларни қатъий тарзда бажариш интизоми билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистонда кўплаб кичик, ўрта ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини – оғир саноатдан енгил саноатгача, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан илмий ишлаб чиқаришгача камраб олган. Улар ўз фаолиятида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан - ер, табиий ва меҳнат ресурслари, техника ва технологиялар, инвестициялар, ҳозирги замон фани томонидан ишлаб чиқаришнинг асоси ёки мамлакатнинг миллий бойлиги деб аталувчи замонавий ахборот тизимидан фойдаланади. Маълумки, бойлик ёки салоҳият бир нечта авлод ва бутун жамиятнинг хатти-ҳаракатлари эвазига яратилади. Корхоналарнинг вазифаси ушбу бойликни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланишда ифодаланади. Хўжалик юритишнинг мазкур тамойилларидан бир оз бўлсада четга чиқиш жамоатчилик ишлаб чиқариши самардорлигининг пасайишига, хўжасизлик ва исрофгарчиликка олиб келади. Корхоналар ҳам бундан мустасно эмас.

Хиссдорлик жамиятлари капиталини иқтисодий моҳиятига кўра, биринчи навбатда унинг қуйидаги тавсифларини кўриб ўтиш зарур:

1. Капитал корхона ишлаб чиқаришини асосий омили ҳисобланади. Иқтисодий назарияда ишлаб чиқаришни 3 та асосий омилини ажратиш мумкин, корхоналар хўжалик фаолиятини таъминлашда ишлаб чиқариш - капитали; ер ва бошқа табиий ресурслар; меҳнат ресурслари. Ягона ишлаб чиқариш комплексида барча омилларни бирлаштирувчи омил бўлиб, ишлаб чиқариш капитали муҳим ўрин эгаллайди.

2. Капитал даромад келтирувчи корхона молиявий ресурсларини характерлайди. Капитал бу ўз ўрнида – ссуда капитали шаклида ишлаб чиқариш омилларидан ажралмаган ҳолда корхонанинг даромадини шакллантиришни таъминловчи ишлаб чиқариш(операцион) фаолият эмас, балки молиявий (инвестиция) фаолияти соҳасини белгилайди.

3. Капитал корхонанинг мулкдорларини бойлигини шакллантирувчи бош асосий манба ҳисобланади. У бу зарурий даражада бойликни шакллантиришни жорий ва келажакда таъминлаш учун зарурдир. Жорий жараёнда ишлатилган капиталнинг бир қисми капитал таркибидан ажралиб, унинг мулкдорларини (эгаларини) келажакда йўналтирилган эҳтиёжларини таъминлайди.

4. Корхона капитали унинг бозор қийматини асосий ўлчови ҳисобланади. Унда корхона жами ўз капиталларини активларга нисбатан ҳажмини белгилайди. Бу ерда ишлатилган ўз капиталларини таркибини четдан жалб қилинган капиталлари қўшилган таркиби билан фойда олишни белгилайди.

5. Корхона капитали динамикаси унинг хўжалик фаолияти самарадорлиги даражасининг муҳим барометри ҳисобланади.

Акционерлик корхонаси низомида корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий функциялари белгиланган бўлса, унинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолияти таркибига асосий ва айланма фонтилар, пул маблағлари ва бошқа активлар кирувчи **Низом жамғармасига** таянади. Низом жамғармаси қонунга асосан корхонани ташкил қилиш жараёнида муассислар - давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан шакллантирилади. Корхона ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, даромад ҳажми ва бошқа молиявий тушумларнинг ортиши натижасида Низом жамғармаси кўпайтирилиши мумкин. Умуман олганда, Низом жамғармаси корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва молиявий жиҳатдан бақувватлигини акс эттиради.

Акционерлик корхоналарини турли белгиларига кўра тавсифлаш мумкин:

- *ишлаб-чиқариш ва техника муносабатларида корхона* – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари, уларни тайёрлаш технологиясига миқдор ва сифат жиҳатидан мос келувчи машиналар тизими;
- *ижтимоий муносабатларда корхона* – бу, турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлар ;
- *ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда корхона* ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритади;
- *молиявий-иқтисодий муносабатларда корхона* – бу, тармоқнинг мустақил бўлини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, яъни бозор муносабатлари тамойилларида фаолият юритади.

Амалдаги қонунчиликка асосан акционерлик корхонаси давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина ҳуқуқий шахс сифатида тан олинади. Давлат рўйхатидан ўтиш учун биринчи ўринда қуйидаги ҳужжатлар аҳамиятга эга бўлади: муассислар(тасчилар)нинг аризаси; акционерлик корхонасининг Низоми; корхонани ташкил қилиш ҳақида қарор ёки муассислар шартномаси; давлат божини тўлаганлик ҳақида қвитанция, акционерлик корхонасининг низом жамғармасининг 30 фоизи шакллантирганлик туғрисидаги банк маълумотномаси ва бошқалар.

Акционерлик корхонасининг ўзига хос бўлган маълум хусусиятларга эга:

биринчидан, акционерлик корхонаси ўзига тегишли ва хўжалик бошқарувидаги хусусий мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолияти моддий-техникавий имкониятларини, иқтисодий мустақиллиги ва ишончлилигини таъминлайди;

иккинчидан, акционерлик корхона кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

учинчидан, акционерлик корхонасининг хўжалик айланмасида ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин, яъни қонунга асосан хўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар ҳамда бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

тўртинчидан, акционерлик корхонасининг қонунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга;

бешинчидан, акционерлик корхонаси мустақил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси харажатларини ҳисобга олиб боради ҳамда давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этади;

олтинчидан, акционерлик корхонаси ўз номига эга бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз аксини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида акционерлик корхоналари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- бозор ва унинг ривожланиш истикболларини комплекс равишда ўрганиш ёрдамида, харидорларнинг маҳсулот ва хизмат турларига мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган талабларини аниқлаш;
- маҳсулотнинг янги моделлари ва намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш;
- харидорлар талабларига мос келувчи товарларни ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқаришни режалаштириш, дастурлаш, мувофиқлаштириш ва молиялаштириш;
- маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш тизимини ташкил қилиш ва уни мукамаллаштириш;

Акционерлик корхоналарининг барча фаолиятини, жумладан, ишлаб чиқариш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларни бошқариш.

Акционерлик корхоналарининг энг муҳим хусусиятлари уларнинг қайси тармоққа қарашлилиги; ҳажми; ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларини қамраб олганлиги; ихтисослаштириш даражаси ва бир типдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш микёси; ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш усули ҳамда уни механизациялаш ва автоматлаштириш; ташкилий-ҳуқуқий шакллари прогностлаштиришга боғлиқ бўлади.

қайси тармоққа қарашлилигига кўра акционерлик корхоналари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш (машинасозлик, кўмир қазиб чиқариш, суғурта, банк ва ҳоказо) соҳаларига мансуб бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва кўринишига кўра, акционерлик корхоналари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия-кредит ва бошқаларга бўлинади.

Технологик умумийлигига кўра, акционерлик корхоналари ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз ва дискрет равишда, кимёвий ёки механик жараёнларнинг устунлиги асосида юритувчиларга бўлинади.

Тайёр маҳсулотнинг мақсадларига кўра, барча акционерлик корхоналари иккита катта гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар.

Фойдаланилувчи хом ашё турига кўра акционерлик корхоналари, саноат корхоналари қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарга тақсимланади.

Йил давомида ишлаш муддатига кўра, акционерлик корхоналари мавсумий ва йил бўйи фаолият юритувчиларга бўлинади.

Акцияларининг эмиссиясига кўра, акционерлик корхоналари очик турдаги акционерлик жамиятлари, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари, маъсулияти чекланган жамиятлари, қўшимча маъсулиятли жамиятларга тақсимланади.

Корхоналарнинг қонун ҳужжатлари ва бошқа хўжалик ҳуқуқи нормаларида кўзда тутилган мулкчилик шакли, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва ҳажми, капиталнинг шаклланиши, турли хил фирмалараро уюшмаларга аъзо бўлиш усуллари ва олиб боровчи рақобатчилик курашлари билан фарқ қилувчи фаолият тавсифи ва мазмунига боғлиқ бўлган структуравий тузилишининг усул ва кўринишлари хўжалик юртишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ифодалайди.

Ҳозирги замон шароитларида давлат, муниципал, жамоа турдаги акционерлик корхоналари мавжуд бўлиб, улар ўзларига бириктириб қўйилган мулк тавсифи ёки тезкор (оператив) бошқарув ҳуқуқига кўра ҳам таснифланади.

Хўжалик фаолияти юритувчи ҳар бир субъект бир қатор ҳуқуқларга эга бўлиб, булар бир томондан, уларнинг ички ташкилотчилигини аниқлаб берса, иккинчи томондан, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ҳамда давлат билан ўзаро муносабатларини амалга оширишга кўмаклашади.

Акционерлик корхоналари ҳуқуқий шаклининг ҳар бир кўринишида уларнинг эгалари, яъни хусусий мулк эгалари, корхона билан турли даражадаги алоқада бўладилар. Масалан, очик турдаги ҳиссадорлик жамияти эгалари корхона мулкчининг бир қисмигагина эгалик қилиш ҳуқуқига эгалар ҳамда бошқарув функцияларини амалга оширишда ҳам ўз акциялари микёсида иштирок этадилар.

Хўжалик ўртоқликларида (жамиятларида) эса мулк эгаси ва мулк яқинлаштирилган бўлиб, корхонани бошқаришда уларга бевосита иштирок этиш имконияти яратиб берилган.

Кенг тарқалган корхона шаклларида бири хўжалик ўртоқликлари бўлиб, улар ишонч асосидаги тўлиқ ўртоқлик (коммандит ўртоқлиги) кўринишида ташкил қилиниши мумкин.

қонунга асосан иштирокчилари имзоланган шартномалар бўйича тадбиркорлик фаолияти юритувчи ҳамда уларга тегишли мулк жавобгарлигига эга бўлган ўртоқликлар - тўлиқ ўртоқликлар ҳисобланади.

Коммандит ўртоқлиги бир нечта фуқаролар ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро хўжалик фаолияти юритиш мақсадидаги шартномалар асосида бирлашуви натижасида пайдо бўлади.

Жамиятларнинг қўпчилигида капиталлар бирлаштирилган бўлади. Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилиб, Низом жамғармаси ҳужжатларда (Низом ва таъсис шартномаси) белгилаб қўйилган улушларга бўлинган бўлади.

Бундай жамият муассислари жамиятнинг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайдилар ҳамда жамият фаолиятида ўзлари киритган улушлар доирасида зарар кўришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида очик ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари мустақилликка эришилгандан кейин кенг фаолият кўрсатмоқда.

Низом жамғармаси акцияларга тақсимланган жамият ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади. Ҳиссадорлик жамияти аъзолари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар, бироқ ўзларига тегишли бўлган акциялар қиймати доирасида зарар кўришлари мумкин.

Ҳиссадорлик жамиятларининг ижобий жиҳатлари қаторига қуйидагилар киради: акциядорлик капиталининг тенг тақсимланган, эркин муомаладаги улушлар - акцияларга тақсимланиши; акциядорлар жамият мажбуриятлари учун жавобгарлигининг акциялар қиймати ҳажмида чекланганлиги; акциядорлик капиталининг ҳажми ва аъзолар сонини осонлик билан ўзгартириш имконини берувчи Низом асосида бирлашиш; умумий бошқарув вазфаларининг хўжалик фаолиятини бошқариш вазифаларидан алоҳида юритилиши ва ҳоказолар.

Иқтисодётимиз олдида турган асосий вазифалардан бири саноат ишлаб чиқаришини жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган рақобатбардош корхоналар ташкил қилиш мақсадидаги тузилмавий қайта қуришдан иборат. Бунинг учун интеграция ҳамда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарни вақтинчалик ёки доимий равишда кооперация ёки концентрация асосида бирлаштириш амалга оширилади.

Кооперация жараёнида концерн, консорциум, хўжалик асоциацияси каби ташкилий шакллар вақтинчалик ёки доимий равишда тузилиши мумкин. Ушбу тузилмавий бирликларининг моҳиятини қисқача кўриб чиқамиз. Ушбу корхоналар ҳам ўз фаолиятларни акционерлик корхоналари сифтида олиб боришлари мумкин.

Концерн умумий манфаатларга эга ҳамда шартномалар, капитал ва қўшма фаолиятда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг йирик бирлашувини акс эттиради.

Консорциум компания ва банкларнинг вақтинчалик бирлашуви натижасида, йирик капитал талаб қилувчи лойиҳаларни амалга ошириш ёки маблағни биргаликда жойлаштириш мақсадлари учун умумий келишувлар асосида юзага келади. Консорциум буюртмачилар олдидаги мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланади.

Хўжалик асоциацияси жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро ҳамкорлик юритиш мақсадида кўнгилли равишда бирлашувини англатади ва унда бирлашувга кирувчи субъектлар ўз мустақиллигини сақлаб қоладилар.

Корпорациялар умумий мақсадларга эришиш, ҳамкорликда фаолият юритиш мақсадида бирлашиб, мустақил ҳуқуқий субъект - ҳуқуқий шахсни ташкил қилувчи

шахслар йиғиндисини тавсифлайди. Кўпинча улар акциядорлик (ҳиссадорлик) жамиятлари шаклида ташкил қилинади.

Корхоналарнинг концентрация асосида бирлашуви картел, синдикат, холдинг ва молия-саноат гуруҳлари кўринишида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги **картеллар** ишлаб чиқариш масалалари, нархлар, товарларни сотиш, ишчи кучини ёллаш ва шу каби масалалар бўйича келишувга асосланиб фаолият юритади.

Интеграциянинг бу шаклида корхоналар мустақилликни сақлаб қолган ҳолда кооперация асосида бирлашадилар.

Синдикат – тижорат фаолиятини (таъминот, сотиш, нархнинг пайдо бўлиши) ҳамкорликда ташкил қилишга асосланган бирлашмадир. Синдикат таркибига кирувчи корхоналар ҳуқуқий ҳамда ҳўжалик юритиш мустақилликларини сақлаб қоладилар.

Трестлар юқори даражада марказлашганлиги билан ажралиб туради. Унинг таркибига кирувчи корхоналар ишлаб чиқариш, тижорат ва ҳуқуқий мустақилликларини йўқотиб, ягона режа асосида фаолият юритади.

Холдинглар иштирокчиларнинг молиявий имкониятларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари билан ваизифаларни тезкор равишда амалга ошириш имконини берувчи бошқарувнинг самарали шаклини ифодалайди.

Интеграция жараёнларини амалга оширувчи акциядорлик корхоналари қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишга эришиш;
- кооперация асосидаги алоқаларини янгилаш ва мустаҳкамлаш;
- мамлакатдаги корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши;
- ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг янги шакллариини жалб этиш;
- ички ва ташқи бозордаги рақобатда муваффақият қозониш мақсадида нарх ва сотиш бўйича ягона сиёсат юритиш.

1.2. Акционерлик корхоналари капиталининг шаклланиши хусусиятлари

Акционерлик корхоналарни ташкил этишда шакллантирилган низом жамғармалари аосий воситаларни сотиб олиш хама акционерлик корхонасининг айланма маблағларни шакллантиришга, шунгингдек талаб даражасида молиявий ҳўжалик фаолиятини юритиш учун лицензия олиш, ишлаб чиқаришга ноу хауни жарий қилишга сарфланади. Шундай қилиб акционерлик корхоналарнинг бошланғич маблағлари махсулот ёки хизматнинг нархи шакллантириладиган ишлаб чиқариш жараёнига инвестиция қилинади. Акционерлик корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган махсулот ёки хизматни сотиш натижасида ушбу фаолият пулкўринишини олган холда акционерлик корхонаси ҳисоб рақамига келиб тушади.

қуйидаги 1.1-жадвалда акционерлик корхонасининг капитал ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўллари келтирилган.

Акционерлик корхоналарининг капитал ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўллари

Молиявий ресурслар манбаалари	Молиявий ресурслардан фойдаланиш						
	Капитал				Ношлаб чиқариш жараёнига инвестициялар	Истеъмол учун харажатлар	Молиявий захира
	Тўғридан тўғри инвестициялар	Венчур капитали	Портфелли инвестициялар	Аннуитет			
Фойда	*				*	*	*
Амортизация ажратмалари	*				*		*
Кредиторлик қарзлар	*	*			*	*	
қимматли қоғозларни сотишдан олинган маблағлар		*	*				*
Пай взнослари	*				*	*	*
Суғурта взнослари				*			
Кредит и қарзлар	*	*			*	*	
Мулкларни сотишдан тушумлар			*				
Бошқа тушумлар	*				*	*	*

Акционерлик корхоналари капитали - бу фонд биржаларида ўз котировкасига эга бўлган ҳамда бир шахсдан иккинчи шахсга эркин холда ўтказилагидан шунингдек тақдим этувчисига утсунлик берувчи ацияларни муомилага чиқариш орқали акционерлик капиталини шакллантиришдан юзага келади.

Акционерлик жамиятлари томонидан ўз капиталини шакллантириш мақсадида куйидаги турдаги қимматли коғозлар эмиссия қилиниши мумкин:

- Акциялар;
- Облигациялар
- Векселлар;
- Хосилавий қимматли коғозлар.

Акционерлик жамиятлари томонидан ўз капиталини шакллантириш мақсадида чиқарадиган қимматли коғозларининг энг кенг тарқалган тури акциялар ҳисобланади. “Қимматли коғозлар бозори тўғрисида”ги қонуннинг 3 моддасида акцияга куйидагича таъриф берилган:

Акция — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисmini дивидентлар тарзига олишга, акциядорлик жамияти бошқарувида бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилгандан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли коғоз.

Бошқача қилиб айтганда, акция акциядорлик жамият чиқарган қимматбаҳо (даромад келтирувчи) коғоз. Акция ўз эгаларига, яъни акциядорларга хиссадорлик жамияти ихтиёридаги умумий мулкдан ўзига тегишли улушига ҳуқуқи борлиги

тўғрисида гувоҳлик беради. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан акция бланкаларининг мажбурий реквизитлари қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Акционер жамиятининг номи ва жойлашган манзили.
2. қимматли қоғознинг номи «Акция».
3. Навбат номери (раўами).
4. Чиқарилган вақти.
5. Акция тури (оддий ва имтиёзли).
6. Номинал қиймати ва тоифаси.
7. Эгасининг номи.
8. Акция чиқарилган акционер жамиятининг Устав фондининг миқдори.
9. Муомалага чиқарилган акциялар сони.
10. Имтиёзли акциялар учун тўланадиган дивиденд миқдори ва тўлаш муддати.
11. Акционер жамияти ижроия органи раҳбарининг имзоси (бошқарув, дирекция).
12. Қимматли қоғозлар чиқарилган корхонанинг муҳри. Акциялар давлат тилида тўлиқ ёзилади.

Жамият аъзоларининг хоҳишига кўра бошқа тилларда ҳам ёзилиши мумкин. Акция ҳужжатсиз шаклда чиқарилади. Акциялар эгасининг номи ёзилган, имтиёзли ва оддий бўлиши мумкин. Акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорларини рўйхатга олиш дафтарига киритилган жисмоний ёки юридик шахсга эгаси ёзилган акциянинг соҳиби бўлиши акциядор деб эътироф этилади.

Оддий (одатдаги) акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгаларига дивидендлар олиш, жамиятнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акция эгалари дивидендларни, шунингдек акциядорлик жамияти тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқига эгадир. Имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига, корхона фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акциялари фақат эгаси ёзиладиган акциялар бўлиши мумкин, уларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби уставда белгиланиб қўйилади. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари акциядорларига акциялар ўрнига уларнинг номинал қийматига тенг суммада сертификатлар бериши мумкин.

Чиқариладиган акцияларнинг хиллари, уларни тарқатиш ва жойлаштириш, улар бўйича дивидендларни тўлаш тартибини ҳар бир акциядорлик жамияти ўзининг уставига асосан амалга оширади.

Битирув малакавий иш мавзуни очиқ беришга кўмаклашаётган Наманган шаҳрида фаолият кўрсатувчи “Қарши ёғ экстракция” очиқ акциядорлик жамиятининг эмиссияси рисоласидан (битирув малакавий ишнинг 1 иловаси) кўринадиган корхонанинг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат:

- Халк истеъмол молларини ишлаб чиқариш;
- Махсус ускуналарни конструкторлик ва технологик ишларни бажариш;
- Автомобил транспортларига ёнилғи қўйиш, мой алмаштириш ҳамда автомобилларни ювиш шахобчаларини ташкил этиш ва чакана савдосини амалга ошириш;
- Нефть ва нефть маҳсулотларини улгуржи сотиш;
- Газда юридик автомобил транспортларига хизмат кўрсатадиган “Автомобилларга газ қўйиш шахобчалари”ни ташкил этиш ва чакана савдосини амалга ошириш;
- Чет эл, МДХ давлатлари ва Республикада ишлаб чиқарилган дори-дармонлар улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш, дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва сотиш;
- Тиббиёт техника буюмларини улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш;
- Улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш;
- Савдо-харид, тижорат ва воситачилик ишларни бажариш;
- Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш;
- Ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- Курилиш махсулотларини ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотиш;
- Умумий овқатланиш шаҳобчаларини ташкил қилиш, музқаймоқ ва салкин ичимликларни ишлаб чиқариш ва сотиш, нон ва нон махсулотларини, кондитер махсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Умумий қурилиш, қурилиш таъмирлаш, сантехника, электр-монтаж ишларини амалга ошириш;
- Автотранспорт ёрдамида аҳоли ва ташкилотларга юк, йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмларини олиб келиш ва сотиш;
- Компьютерда дастурлар тузиш, турли хизматлар кўрсатиш, нусха кўчириш ва кўпайтириш, оргтехникаларни олиб келиш ва сотиш, созлаш таъмирлаш ҳамда ўрнатиш хизматларини кўрсатиш;
- Қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш;
- Чорвачилик фаолияти билан шуғулланиш, уларнинг махсулотини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш;
- Экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;

Акция бўлинмасдир. Бу дегани акцияга бир неча киши эгалик қилиши мумкин (масалан, эр ва хотин). Лекинда акционер жамиятининг йиғилишида улар бир овозга эга бўлади.

Акция мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини шартли равишда беради. У заём эмас. Акцияда қоплаш муддати кўрсатилмайди. Акция эгасининг жавобгарлиги фақат унинг ихтиёридаги акция миқдори билан чегаралангандир. Шунинг учун ҳам у жамият учун жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида акциядорнинг ҳуқуқлари батафсил ёритилган. Қонунга кўра акциядорлар:

- жамият маблағига қўшган ҳиссасини ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини дивиденд тариқасида олиши;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида қарорларни ишлаб чиқаришда овоз бериш, мазкур ҳиссадорлик жамиятининг сотиб олишда устунлик қилиш;
- инқирозга учраган чоғда ҳиссадорлик жамиятининг бир бўлагига эгалик қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш ва ҳ.к.

Бу ҳуқуқлар акцияларнинг хилларига қараб ўзгариб туриши мумкин. Масалан: оддий акциялар эгалари жамият Уставига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этса, имтиёзли акцияларнинг эгаси бундай ҳуқуқга эга эмас ва ҳ.к. Акцияларни бошқа шахсга мулк қилиб ўтказиш мумкин. Бу ҳолдаги эгаси ёзилган акциялар (сотиб олиниши, ҳадя қилиниши, мерос бўлиб ўтганда) эгасининг ўзгарганини қайд этувчи орган акция янги эгасининг исми ёки номини киритади. Акциядорлик жамияти маълум бир вақт ўтгандан кейин акцияларни қайта сотиш, ўз ходимлари орасида тарқатиш ёки бекор қилиш мақсадида акциядорлардан уларни сотиб олиш ҳам мумкин. Чунки акциялар кўпи билан бир йил ичида жойлаштирилиши лозим. Ана шу давр ичида дивидендларни тақсимлаш, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият сотиб олган ўз акцияларини ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилади.

Жамият ўз акцияларини мустақил равишда ёки инвестиция институтлари орқали сотиб олиши мумкин. Акциялар чиқарилганда уларнинг номинал акцияда кўрсатилган, (масалан, 100 доллар, 500 доллар, 100 сум ва ҳ.к.) қиймати бўлади, лекин улар бозор нархида сотиладики, нарх номинал қийматидан юқори ёки паст бўлади. Бозордаги талаб ва таклифга қараб акциянинг бозор нархи шаклланади, бунга бозор курси деб аталади. Бозор курси ёки нархини белгиланиши қимматли қоғозлар катировкаси дейилади ва у фонд биржасида амалга оширилади.

АКЦИЯ КУРСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ишлаб чиқариш омиллари	Рухият омиллари	Капитал бозори омиллари
Корхона баланси; Дивиденд сиёсати; Фирманинг истикболи; Менежмент; Корхона қувватларидан фойдаланиш даражаси; махсулотни сотиш имкони.	Инвесторнинг қайфияти, чунки акция юқори ёки паст баҳода сотилиши мумкин	Инвесторнинг тўлов қобилияти; қаътий процент берадиган ққга тўланадиган процент миқдори; Хорижда инвестиция берадиган даромад.
↓	↓	↓
	Акция курси	
Бозор конъюктураси; Иқтисодий ўсиш; Нархнинг ўзгариши; Инвестиция қилиш; Ташқи савдо; Хомашё нархи; Валюталар курси.	Экспорт импортга боғлиқ фирмаларнинг ташқи иқтисодий информациясига эга бўлиши. Давлатнинг хўжалик, солиқ сиёсати. Экология сиёсати.	Акция курсини сақлаш уни сотиб олиш; Корхонани қўлга олиш учун акцияни сотиб олиш. Акция курсини у тушгандан сўнг янгидан сотилиши.

Иқтисодий омиллар	Сиёсий омиллар	Бозор техника омиллари
-------------------	----------------	------------------------

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлда қабул қилинган “Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида давлат ҳуқуқини махсус сақлаш учун “Олтин акция”лар жорий қилиш мақсадга мувофий деб топилди.

Фармонни бажариш борасида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритилиб, қонуннинг 24-1 моддасида “олтин акция”га қуйидаги таъриф берилган:

“Олтин акция” – айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналарини хусусийлаштирилаётганда ёки акциядорлик жамияти давлат акция пакетини хусусий мулк этиб реализация қилинаётганида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига асосан жорий қилинади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайди”.

“Олтин акция” устав фондида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш 25 фоиздан ошмайдиган жамиятларда жорий этилиши мумкин ва унинг тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

“Олтин акция” фаолияти жамият Кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини тайинлаш орқали амалга оширилади. Давлат вакили Кузатув кенгаш аъзоси бўлиб, акциядорла жамиятининг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаш томонидан давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлар шунингдек, “ВЕТО” қўйилган қарорлар ижро этилмайди.

Қимматли қоғозларнинг бозорда яхши сотилиши корхона, фирма учун ўзгалар пулини молиявий ресурсга ва сўнгра капиталга айлантириб, ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб яхши фойда олишга имкон беради. Акция курсига таъсир этувчи омилар турлича бўлади. Германия мутахассислари фикрига кўра унга иқтисодий, сиёсий ва руҳият омиллари таъсир этади.

Акцияларни очик турдаги ва ёпик турдаги акционерлик жамиятлари чиқариши мумкин. Очик турдаги акционерлик жамияти акциялари бошқа акционерларнинг розилигисиз кулдан кулга утиши мумкин. Ёпик турдаги акционерлик жамиятининг акциялари факат муайян кишиларнинг номига берилади. Акциянинг бошқа кишиларга берилиш тартиби низомда белгиланади.

Ёпик турдаги акционерлик жамиятлари акционерларга акциялар урнига акцияларнинг номинал кийматига баробар булган микдорда сертификатлар бериши мумкин.

Акционерлик жамиятининг капиталини шакллантириш учун эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг бозорда яхши сотилиши корхона, фирма учун ўзгалар пулини молиявий ресурсга ва сўнгра капиталга айлантириб, ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб яхши фойда олишга имкон беради. Акция курсига таъсир этувчи омилар турлича бўлади. Германия мутахассислари фикрига кўра унга иқтисодий, сиёсий ва руҳият омиллари таъсир этади.

II БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КАПИТАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА КАПИТАЛНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Акциядорлик жамиятининг устав фонди ва акциялар номинал қиймати хамда турлари

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг молиявий ресурслари хилма-хил манбалардан шаклланади. Улар жумласига фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан тушумлар, кредитлар ва бошқалар киради. Молиявий манбалари нуқтаи назаридан корхона ихтиёридаги мол-мулк ўз маблағларига ва қарзга олинган маблағларга бўлинади. Корхона ўз маблағларининг энг биринчи ва асосий манбаи устав капитали бўлиб, у корхона эгаларининг корхонани барпо этишда унга қўшган маблағларини ифода этади. Устав капитали устав фонди сифатида шаклланади. Акциядорлик жамиятининг устав фонди дастлаб таъсисчиларининг корхона капиталини шакллантириш учун қўшаётган улушлари йиғиндиси сифатида вужудга келади. Устав фонди бир хил номинал қийматдаги акцияларнинг йиғиндиси кўринишида ҳосил қилинади. Таъсисчилар қўшган улушларига монанд ҳолда муайян миқдордаги акцияларнинг эгаларига айланадилар. Жамиятнинг фаолияти давомида устав фонди қўшимча акцияларни муомалага чиқариш ёки акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Устав фонди жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш ва бекор қилиш йўли билан ёки акцияларнинг номинал қийматини камайтириш орқали камайтирилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг устав фонди миқдори ҳақидаги масала таъсис йиғилишида барча таъсисчиларнинг ёклаб овоз бериши билан ҳал этилади. Устав фонди миқдорини ўзгартириш жамиятнинг фаолияти давомида акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади. Агар жамият уставида назарда тутилган бўлса ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида кузатув кенгашига ҳуқуқ берилса, кузатув кенгаши эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш йўли билан жамият устав фондиди кўпайтирилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг устав капитали миқдори жамиятнинг уставида қайд этилади. Уставда устав фонди ўз ичига қанча миқдордаги акцияларни олиши ва акцияларнинг турлари қайд этилади. Таъсисчиларнинг устав фондидаги улушлари таъсис шартномасида кўрсатилган бўлади. Жамиятнинг уставида алоҳида иштирокчиларнинг устав фондидаги иштироклари миқдорига чекловлар қўйилиши мумкин. Лекин “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонун алоҳида таъсисчи ёки акциядорнинг жамият устав фондидаги иштирокини чекламайди. Қонунчиликда бундай чекловлар монополистик фаолиятни тартибга солиш билан боғлиқ айрим ҳолларда мавжуд бўлади. Шунингдек, ёпиқ акциядорлик жамиятида акциядорлар сони 3 тадан кам бўлмаслиги лозимлиги ҳам Қонунда қайд этилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 20-моддасига биноан очик акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият рўйхатдан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравар суммасидан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди эса, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравар суммасидан кам бўлмаслиги лозим. Энг кам ойлик иш ҳақининг суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгарган тақдирда, акциядорлик жамиятининг устав фонди бир йил ичида белгиланган миқдорга мувофиқ ҳолга келтирилиши керак.

Акциядорлик жамиятининг устав фонди оддий акциялардан ва бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акциялардан иборат бўлиши мумкин. Лекин, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 19-моддаси жамиятнинг устав фондида имтиёзли акциялар улуши 20 фоиздан ошмаслиги

лозимлигини белгилаб қўйган. Худди шу модда жамият таъсис этилаётганда унинг барча акциялари таъсисчилар ўртасида жойлаштирилган бўлишини талаб қилади.

Собиқ СССР Олий Советининг Фармонида асосан, собиқ СССР озиқ-овқат саноати Вазирлигининг 1947 йил март ойи чиқарган топшириғига биноан собиқ Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати Вазирлигининг буюртмаси билан 1947 йилнинг 22 декабрида, суткасига 150 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлган Қарши ёғ корхонасини лойиҳалаштириш ишлари бошлаб юборилди. 1949 йили корхона пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. Қурилиш ишлари беш йилгача давом этиб, у 1954 йили муваффақиятли якунланди. Бир йил чўзилган қабул топширув ишларидан сўнг 1955 йили корхона тўла қувватда ишлай бошлади.

Бугунги кунда корхона Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Қарши ёғ-экстракция» корхонаси «Озиқ овқат саноати корхоналари» уюшмаси таркибига кирази ва акциядорлик таркибига 58.04 % давлат улуши мавжуд.

Корхона устав фонди 1 118 304 м.с.

Шундан: корхона жамоаси 5,59% 62 563,2 м.с.

Давлат улуши 58.04 % 649 080 м.с.

Эркин савдо улуши 2,65% 29 635,2 м.с.

«OIL TRANSPORTATION PROGRESS MChJ 33.71% 377 025,6 м.с.

Жами акциялар оддий ҳисобланади, сони 465 960 дона, эгаси ёзилган, номинал қиймати 2400 сум бўлган акцияларига бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил сентябрдаги 1401-сонли қарорига асосан корхонада устав фондидаги давлат улушини камида 51% га етказиш мақсадида Устав фондига давлат активларини киритиш ҳисобига устав фонди оширилди. Ҳозирги кунда корхона устав фонди 1 млрд 118 млн 304 минг сумни ташкил қилади. Устав фонди улушлар бўйича қуйидагича тақсимланган:

Давлат улуши 58,04%-270 450 дона 649 080 минг сум.

Меҳнат жамоаси 5,59%-26 068 дона 62 563,2 минг сум.

Эркин савдо улуши 2,65%-12 348 дона 29 635,2 минг сум.

«OIL TRANSPORTATION PROGRESS» MChJ 33,71% 157 094 дона 377 025,6 минг сум.

1-январ 2014 йил ҳолатида:

2014 йил 1-Январда асосий ишлаб чиқариш фондлари 7 603 710 минг сўмни ташкил қилди. Шу жумладан:

бинолар 1 850 315 минг сўм

иншоотлар 334 952 минг сўм

узатиш қурилмалари 197 765 минг сўм

машина ва жиҳозлар 4 973 824 минг сўм

транспорт воситалари 330 271 минг сўм

мебель ва офис 135 765 минг сўм

компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси 100 302 минг сўм

бошқа асосий воситалар 59 476 минг сўм

Ишлаб чиқариш ускуналари қоникарли аҳволда ишлаб турибди.

Айланма маблағлар билан таъминланганлик 2014 йил 1 январь ҳолатига 7 млрд 820 млн 080 минг сўмни ташкил қилди.

Қарши ёғ-экстракция заводи 2014 йилда 588 киши банд бўлиб, 2011 йилга нисбатан 28,9 фоизга камайган. Шундан 588 киши доимий ишловчилар бўлиб, шундан раҳбарлар 2 фоизни мутахассислар 1,7 ташкил этади. Жамига нисбатан 22,4 фоизи хотин қизларни ташкил қилади. 2014 йилда доимий ишловчилар сони 2011 йилга нисбатан 36,4 фоизга ошган. хотин қизлар сони эса 12,8 фозга ошганлигини қўришимиз мумкин.

2.1.1- жадвал

**Қарши ёғ-экстракция очик ҳиссадорлик жамиятида банд бўлган
ходимлар сонининг ўзгариши**

Т/р	Туркумларни номланиши	2011 йил	% ҳисобида	2014 йил	% ҳисобида	2014 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариш, %
1	Жаъми банд бўлганлар	456	100	588	100	128,9
2	Шу жумладан:					
	-доимий ишловчилар	431	94,5	588	100,0	136,4
	-рахбарлар	13	2,9	12	2,0	92,3
	-мутахассислар	10	2,2	10	1,7	100,0
3	Хотин - қизлар	117	25,7	132	22,4	112,8
4	Вақтинча банд бўлганлар	2	0,4	7	1,2	350,0

Иқтисодий мазмуни жиҳатдан олиб қаралганда акциядорлик жамиятининг устав фонди жамият кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг кам миқдорини ифода этади. Устав фонди корхона ўз маблағларининг бирламчи манбаи сифатида корхона тасарруф этиб турган мол-мулкнинг қанчаси замирида корхона эгаларининг корхонага қўшган маблағлари ётганлигини кўрсатиб туради. Устав фонди миқдорининг катталиги кредиторлар назарида корхонанинг молиявий барқарорлиги ва ишончилиги иқтисодий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Устав фонди корхона пасивининг жуда муҳим қисмидир. Албатта, пасивдаги ўз маблағлари манбалари таркибидаги бошқа элементлар ҳам муҳим аҳамиятга. Уларга аввало, қўшилган капитал ва тақсимланмаган фойда киради. Қўшилган капитал мазмунан устав фондига жуда яқин туради. Акциядорлик жамиятида қўшилган капитал акцияларнинг номиналдан юқорироқ баҳода сотилиши натижасида ҳосил бўлади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан мазкур тафовут акциядорлик жамиятининг даромади деб эмас, балки капиталининг бир қисми деб қаралади. Шунинг учун қўшилган капитални акциядорлар ўртасида даромад сифатида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда худди устав фонди сингари корхона маблағлари бирламчи манбаини ифодалайди.

Тақсимланмаган фойда ҳам корхона ўз маблағлари манбаидир. У корхонанинг молия-хўжалик фаолияти натижасида ҳосил бўлади ва реал равишда корхона ўз капиталининг бир қисми сифатида майдонга чиқади. Шу билан бирга тақсимланмаган фойда даромад сифатида тақсимланиши ёки зарарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин. Бу ҳол уни ўз капиталини шакллантиришнинг нисбатан беқарор манбаига айлантиради.

Корхона ўз капитали таркибида тақсимланмаган фойда улушининг катта эканлиги, бир томондан, корхона муваффақиятли фаолият олиб бораётганлигини, олинган фойдани даромад сифатида истеъмолга эмас, балки корхонани янада ривожлантиришга йўналтираётганлигини ифодаласа, иккинчи томондан, уни истеъмол мақсадларига ишлатилиши эҳтимоли кучли эканлиги туфайли кредиторлар манфаатлари нуктаи назаридан у устав фонди ва қўшилган капитал сингари ишончли манба бўла олмайди, айниқса узоқ муддатли давр учун.

Шуларни эътиборга олган ҳолда баъзи акциядорлик жамиятлари тақсимланмаган фойдани вақти-вақти билан устав фондига қўшиб бориш йўлини танлайдилар. Бунда акцияларнинг номинал қиймати тегишли равишда оширилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 25-моддасига биноан акциядорлик жамиятлари акцияларининг номинал қиймати юз сумдан кам бўлиши мумкин эмас. Акция бўлинмасдир.

2.1.2.-жадвал

2012-2014 йилларда ҳақиқатда корхона молиявий ҳолатини баҳоловчи коэффициентлар

Кўрсаткичлар	Меъёри	2012 йилда ҳақиқатда	2013 йил	2014 йилда кутилиши
Тўловга қобилиятлилиқ коэффициенти	1,25	0,85	0,93	1,0
Ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар нисбати коэффициенти	1,0	0,69	0,85	0,80
Молиявий мустақиллиқ коэффициенти	1,0	0,40	0,45	0,40
Корхона молиявий барқарорлик коэффициенти	0,05	-0,20	-0,08	0,01
Йиғиндиси:	3,30	1,74	2,16	2,21

Корхона молиявий ҳолати меъёр даражасида бўлиши учун юқоридаги коэффициентлар йиғиндиси 3,30 ни ташкил қилиши зарур. 2014 йил якунида корхона 1 млрд 027 млн сўм соф фойда билан якунлаган бўлсада молиявий барқарорлик коэффициенти талаб даражасида эмас. Бундан ташқари коэффициентлар йиғиндиси ҳам 2014 йил натижаси бўйича 3,30 дан кам. Бунга асосан 2014 йилда корхона ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаганлиги ва кўп микдорда банк кредитлари учун фоиз туловларини амалга оширганлиги салбий таъсир кўрсатган.

Шунга қарамай корхона соф фойда микдорини чет элдан соя дони олиб келиб ишланиши ва корхонада таннархига кетадиган харажатларнинг оптимал микдорда сарфланиши, давр харажатларига кетган харажатларнинг микдори каттик назоратга олиниб ортиқча сарф харажатларга йул қуйилмаганлиги сабабдан корхона 2012 йилни фойда билан якунлаган.

2012 йилда корхона қуввати 126000 тоннани ташкил қилган бўлсада амалда жами 57892,95 тн хом-ашё қайта ишланиб, қувватдан фойдаланиш 49,07% ни ташкил қилган. Шу сабабдан 2012 йил якунида молиявий коэффициентлар йиғиндиси 1,74 ни ташкил қилди.

2013 йилда корхона 76535 тн хом-ашёни қайта ишлаб, қувватдан фойдаланишни 62,31 % га етказиш кутилмоқда. Бундан ташқари 2015 йилда ДЖК цехи ишга туширилиб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, қушимча даромад олиш кутилмоқда. Бу эса 2015 йил якунида молиявий ҳолатни янада яхшилаб олиш имконини туғдиради.

2014 йил корхона молиявий ҳолати ҳақидаги коэффициентлар йиғиндиси жадвалдан кўриниб турибдики 2,21 ни ташкил қилиши кутилмоқда. Бу ҳам меъёр даражасида эмас. Бунга бугунги кунда ҳам корхона айланма маблағлар етишмаганлиги сабабли қайтариш муддати 2015 йилга тўғри келаётган олган кредит фоизлари тулови режалаштирилаётганлиги ва корхона қувватдан фойдаланиш микдори ҳам 2014 йилда 52,38 % режалаштирилганлиги сабаб бўлмоқда. Шунга қарамасдан корхона 2015 йилни 1 млрд. сум соф фойда билан якунлаши кутилмоқда.

2.1.3-жадвал

Молия курсаткичлар жадвали.

Курсаткичлар номи	Улч бир	2012й	2013й	2014 й	2014 йил 2012 йилга нисбатан, "+", "-"	2014 йил 2012 йилга нисбатан, %
Акциз ва ҚҚСсиз махсулот сотилиши	М с	30824135	40625011	37650482	6826347,0	122,1
Сотилган махсулот таннархи	М с	24596055	31866298	30401783	5805728,2	123,6
Сотилган махсулотдан олинган фойда	М с	6228080	8758713	7248699	1020618,8	116,4
Сотилган махсулотдан олинган самарадорлик	%	20,21	21,6	19,3	-0,9	95,5
Давр харажатлари	М с	3921921	5222711	4680609	758687,9	119,3
Асосий ишлаб чиқаришдан фойда	М с	2498902	3536002	2568090	69187,9	102,8
Бошқа фаолиятдан олинган фойда	М с	48689	16527		-48689,0	
Харажатлар	М с	912816	1087081	1230000	317184,0	134,7
Баланс фойда	М с	1634775	2596297	1338090	-296685,1	81,9
Фойда солиғи ва бошқа солиқлар	М с	210993	572165	310580	99587,0	147,2
Корхона ихтиёрида қолдириладиган соф фойда	М с	1311011	2024132	1027510	-283501,1	78,4

Манба: Корхонанинг ҳисобот материаллари асосида ҳисобланди

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2014 йилда 1 млрд 027 млн. 509 минг сум соф фойда олишга эришилган. Лекин корхонада ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва фойда солиғи ҳамда бошқа солиқларни ошириш ҳисобига 2014 йил 2012 йилга нисбатан соф фойда миқдори 283501.1 минг сўмга ёки 78.4 фоизга камайган. Бунинг натижасида сотилган махсулотнинг самарадорлиги ҳам 0.9 фоизга камайган. Шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қўшимча тадбирларни амалга ошириб, бундан ҳам кўпроқ соф фойда олиш имкониятини излаб топиш зарур.

Шу мақсадда корхона раҳбарияти 2015 йил давомида хом-ашё базасини купайтириш учун амалий ишлар килишга, изланишга, керак бўлса ноанъанавий хом-ашё турларини янада кўпайтириб корхонада қайта ишлаш учун чоралар кўришни амалга ошириши зарур.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бу ишлаб чиқариш жараёнини илмий асосда ташкил этиш орқали махсулот ҳажмини ошириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш керак бўлади. Корхонада меҳнат муносабатларини ташкил этилиши ва меҳнат унумдорлигини ҳолатини битирув малакавий ишимизнинг

Акциянинг номинал қиймати жамиятнинг устаида белгилаб қўйилади. Уни белгилашда акциялар кимларга сотилиши, акциялар ҳисобини юритиш ва бошқа мулоҳазалар эътиборга олиниши мумкин. Акциялар номинал қийматини жуда юқори белгилаш акцияларнинг майда инвесторларга сотилишини қийинлаштиради, номинал паст белгиланиши эса акцияларни тайёрлаш ва ҳисобини юритиш бўйича қўшимча харажатларни келтириб чиқаради. Умуман олганда акциялар номинал қийматини юзга ёки мингга каррала сонларда белгилаш маъқул вариант ҳисобланади.

Акциялар хиллари бўйича эгаси ёзилган ва эгаси ёзилмаган акцияларга, тоифалари бўйича эса оддий ва имтиёзли акцияларга бўлинади.

Эгаси ёзилган акцияда акция эгасининг номи қайд этилган бўлади. Акциянинг эгаси ўзгарган тақирда акцияга унинг янги эгаси номи ёзилиши лозим. Шу билан бирга “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 24-моддаси эгаси ёзилган акциянинг эгаси ўзгарганда акциядорлар реестрида тегишли ўзгариш қилинишини талаб этади, чунки эгаси ёзилган акцияларнинг эгалари (жисмоний ва юридик шахслар) акциядорлар реестрида қайд этилган бўлиши лозим, шу ҳолдагина акцияга эгалик тан олинади.

Эгаси ёзилмаган акциянинг эгаси деб шу акциянинг сақловчиси эътироф этилади. Эгаси ёзилмаган акциялар жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилмаган ҳолда бошқа шахсларга мулк қилиб берилиши мумкин. Бу ҳолда ҳам акциянинг эгаси ўз номини акциядорлар реестрига киритиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 88-моддасига биноан акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати жамият акциядорлари реестрининг жамиятнинг кузатув кенгаши белгилайдиган санага доир маълумотлари асосида тузилади. Бундан ташқари, Қонуннинг 57-моддасига биноан дивиденд олиш ҳуқуқига акциядорлар реестрида у ёпилгунча қадар ёзиб қўйилган инвесторлар эга бўлади. Реестр акциядорлар йиғилиши расмий равишда эълон қилинган санадан 30 кун аввал ёпилади. Демак, акциядорлар реестрига ўз номини киритмаган ёки киритишга улгурмаган шахс акциядорлар умумий йиғилишида иштирок эта олмайди ва унга дивидендлар ҳисобланмайди.

2.1.4- жадвал

“Қарши ёғ-экстракция” очик турдаги акциядорлик жамиятининг кузатув кенгашининг аъзоларининг рўйхати

Ижро органи аъзосининг ФИШ	Устав фондидаги улуши	
	Сони (дона)	Ҳоизини (%)
Қодиров Рустам	55	0.01
Ғоффоров Шовкат	155	0.02
Шохимордонов Бойназар	97	0.01

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акциялари фақат эгаси ёзиладиган акциялар бўлиши мумкин. Жамиятнинг уставида акцияларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби белгилаб қўйилади. Қонуннинг 7-моддасига биноан ёпиқ турдаги акциядорлик жамият акциядорлари шу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни ўзга шахсга таклиф этилаётган нарҳда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадир. Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар савдога қўйилган пайдан бошлаб 30 кундан кам ва 60 кундан ортиқ бўлмаслиги лозим. Жамиятнинг уставида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби ва муддати кўрсатилган бўлиши зарур.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти акциядорларга акциялар ўрнига уларнинг номинал қийматига тенг суммадаги сертификатлар бериши мумкин.

Ҳар бир оддий акция унинг эгаси бўлган акциядорга бир хил ҳажмдаги ҳуқуқлар беради. Оддий акциянинг эгаси қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ тарзда акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин. Оддий акциялар эгалари дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақирда эса, жамият мол-мулкнинг бир қисmini олиш ҳуқуқига эга.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 29-моддаси имтиёзли акциялар эгаларининг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни баён қилиб берган. Имтиёзли акциялар эгалари одатда акциялар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Лекин Қонунда имтиёзли акциялар

эгалари акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳукуқини қўлга киритладиган қатор ҳолатлар кўрсатиб берилган. Шунингдек, жамият уставида ҳам имтиёзли акциялар эгаларига овоз бериш ҳукуқи бериладиган қоидалар белгилаб қўйилиши мумкин.

Имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати оддий акциялар билан бир хил бўлади. Жамиятнинг уставида имтиёзли акцияларнинг бир неча хил турлари белгилаб қўйилиши мумкин: дивиденд даражаси кафолатланган ва кафолатланмаган имтиёзли акциялар, тўланмаган дивидендлар йиғиб бориладиган (кумулятив) ва йиғиб борилмайдиган акциялар, муайян шартларда оддий акцияларга алмаштириладиган имтиёзли акциялар ва ҳоказо. Чет мамлакатларда маълум муддатдан сўнг жамият томонидан қайтариб сотиб олинладиган имтиёзли акциялар ҳам чиқарилади. Ўзбекистон қонунчилигида бу назарда тутилмаган.

Жамият уставида жамият тугатилган тақдирда ҳар бир турдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар ва қийматнинг (туғатилиш қийматининг) миқдори белгилаб қўйилиши лозим. Одатда имтиёзли акция бўйича минимал тугатилиш қиймати сифатида имтиёзли акциянинг номинал қиймати белгилаб қўйилади, яъни жамият тугатилганда имтиёзли акция эгаси ўз акциясининг номиналидан кам бўлмаган миқдорда мулк олади. Дивиденд миқдори белгилаб қўйилмаган имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий акцияларнинг эгалари билан барабар миқдорларда дивидендлар олиш ҳукуқига эгадирлар.

Жамият уставида икки ва ундан ортиқ турдаги имтиёзли акциялар назарда тутилган бўлса, имтиёзли акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар ва тугатилиш қийматини тўлаш навбати жамият уставида алоҳида қайд этилган бўлиши лозим.

Имтиёзли акцияларнинг ёки уларнинг муайян турларининг эгалари қуйидаги ҳолларда акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳукуқи билан иштирок этадилар:

- жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда;

- муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган қўшимча ва ўзгартиришлар жамият уставига киритиш масалалари кўриб чиқилишида, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, бошқа турдаги имтиёзли акцияларнинг эгаларига дивиденд ёки акция тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш масалалари;

- дивиденд миқдори жамият уставида белгилаб қўйилган муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ бўлмаган миқдорда тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишидан кейинги йиғилишидан бошлаб умумий йиғилишнинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича шу имтиёзли акцияларнинг эгалари (кумулятив имтиёзли акциялар эгаларини истисно этганда). Мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан бошлаб бу ҳуқуқ тўхтатилади;

- муайян турдаги кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар шу акциялар бўйича жамғарилиб қолган дивидендларни тўлиқ миқдорда тўлаш ҳақида қарор қабул қилиши лозим бўлган, лекин бу қарорни қабул қилмаган ёки дивидендларни тўлиқ бўлмаган миқдорда тўлаш ҳақида қарор қабул қилган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кейинги йиғилишдан бошлаб умумий йиғилишнинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича. Бу ҳуқуқ мазкур акциялар бўйича жамғарилиб қолган барча дивидендлар тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

Жамиятнинг уставида имтиёзли акцияларни оддий акцияларга айирбошлаш ҳукуқи ва тартиби назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда жамият уставида шундай турдаги имтиёзли акцияларга акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳукуқи берилишига қонунчилик йўл қўяди.

2.2. Акционерлик капиталига дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш ҳамда давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлардан фойдаланиш хусусиятлари

Акциядорлик жамиятларида дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш масалалари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг VI бўлимида, 53 -62 - моддаларда тартибга солинган.

Акциядорлик жамияти ўз акциядорларига дивидендлар ҳисоблаши ва тўлай олиши учун қуйидаги шартларга риоя этилиши зарур:

1. Акциядорлик жамияти ўз фаолияти натижасида етарли фойда олган бўлиши лозим. Фойдадан биринчи навбатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланади. Иккинчи навбатда фойданинг бир қисми қайта инвестициялаш мақсадларига сарфланади. Шундан сўнг дивидендлар ҳақидаги масалани қўйиш мумкин бўлади.

2. Дивидендлар тўланиши натижасида жамиятда тўловга қобилиятсизлик белгилари пайдо бўлса ёки дивидендлар тўланадиган пайтда жамият шундай белгиларга эга бўлса дивидендлар тўланиши мумкин эмас. Бундай ҳолда жамиятни молиявий соғломлаштириш чоралари ишлаб чиқиши лозим.

3. Акциядорлик жамиятининг устав фондининг ҳаммаси тўлаб бўлингунга қадар дивидендлар тўланиши мумкин эмас. Қонуннинг 33-моддасига биноан акциядор таъсис йиғилишида белгиланган муддатда, аммо жамият рўйхатдан ўтказилганидан кейин кўпи билан бир йил ичида акцияларни тўлиқ сотиб олиши лозим. Жамиятнинг кўшимча акцияларига уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорга мувофиқ белгиланган муддат ичида, бироқ улар жойлаштирилган пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил ичида ҳақ тўланиши лозим. Акцияларни сотиб олиш муддати ўтгандан сўнг акциядорлик жамияти бу акцияларни ўз хоҳишига кўра реализация қилишга ҳақли ва буни акциялар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил ичида амалга ошириш лозим. Шу муддатда сотилмаган акциялар муомаладан чиқарилади ва устав фонди тегишли равишда камайтирилади. Жамият тасарруфидаги акцияларга дивиденд ҳисобланмайди.

4. Акциядорлик жамияти соф активларининг қиймати (баланс активи умумий суммаси минус жамиятнинг кредиторлар олдидаги жами мажбуриятлари суммаси) унинг устав ва захира фондлари суммасидан (ўз капитали) кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин эмас.

Акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолиятида санаб ўтилган чекловлар мавжуд бўлмаганда акциядорларга фойданинг бир қисмини дивиденд сифатида тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин. Жамиятнинг уставида ҳар чоракда, ҳар ярим йилда ёки бир йилда бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўланиши ҳақида қоида бўлиши мумкин. Ҳар чоракда ёки ҳар ярим йилда тўланадиган дивидендлар оралиқ дивидендлар деб аталади. Уларнинг миқдори ва тўлаш шакли тўғрисида қарор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Агар оралиқ дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик аҳволи жиддий равишда ёмонлашадиган бўлса, оралиқ дивидендлар тўлаш таъқиқланади.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича йиллик дивидендларни тўлаш, дивидендлар миқдори ва тўлаш шакли ҳақида қарор кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Акциядорлар умумий йиғилиши дивидендларнинг кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган ставкасини камайтириши ёки кенгаш тавсиясига қарамасдан дивидендларни умуман тўламаслик ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Лекин умумий йиғилиш кузатув кенгаши тавсиясига нисбатан дивидендлар тўлаш ставкасини оширишга ҳақли эмас. Айни пайтда, умумий йиғилиш дивидендлар ставкасини ҳисобот йилида тўланган оралиқ дивидендлардан кам ҳам белгилай олмайди.

Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин. Шу билан бирга кузатув кенгашининг дивидендларни тўлаш шакли ҳақидаги тавсияларини (пул билан, жамият акциялари билан ёки товарлар билан) акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ўзгаришсиз қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ҳолат мантикка асосланади, чунки кузатув кенгаши жамиятнинг ҳақиқий аҳволидан хабардор ва ўзининг

йиғилишга тавсияларини ишлаб чиқишда дивидендлар тўловининг миқдори ва шакллари қўллашдаги имкониятларни ҳисобга олади.

2.2.1- жадвал

“Қарши ёғ экстракция” ОАЖ саноати корхонаси охирги 3 молия йили якуни бўйича олинган фойдани ишлатишнинг асосий йўналишлари тўғрисида маълумотлар, минг сўм

Хужжатлар тури	2012 йил	Жами олинган фойдага нисбатан, %	2013 йил	Жами олинган фойдага нисбатан, %	2014 йил	Жами олинган фойдага нисбатан, %	2014 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариш, %
Ижтимоий объектларни ушлаб туриш учун	10920,3	0,7	18806,5	1,4	30574,6	1,5	280,0
Ходимлар ёки уларнинг манфаати учун тўланган мукофотлар ва бошқа пуллар	180353,9	11,7	221356	16,9	348066,8	17,2	193,0
Дивидендлар	321644	20,9	393303	30,0	1012066	50,0	314,7
Жами:	512918,2	33,3	633465,5	48,3	1390707,4	68,7	271,1
Жами олинган фойда	1541167	100,0	1311011	100,0	2024132	100,0	131,3

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 29-моддасига биноан жамиятнинг уставида имтиёзли акцияларнинг ҳар бир тури бўйича тўланадиган дивиденд миқдори белгилаб қўйилиши лозим. Дивиденд миқдори қатъий пул суммасида ёки имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига нисбатан фоизларда белгиланади. Агар имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдорини аниқлаш тартиби жамият уставида кўрсатилган бўлса ҳам улар белгиланган ҳисобланади. Дивиденд миқдори белгиланмаган имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий акцияларнинг эгалари билан баравар дивидендлар олиш ҳуқуқига эгадирлар. Жамият уставида икки ёки ундан ортиқ турдаги имтиёзли акциялар назарда тутилган бўлса, уставда уларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўланиши навбати ҳам кўрсатилган бўлиши лозим. Шунингдек, муайян имтиёзли акциялар бўйича уставда белгиланган, лекин тўланмаган (ёки ҳаммаси тўланмаган) дивидендларнинг жамғариб борилиши ва кейинчалик тўлаб берилиши жамият уставида белгилаб қўйилиши мумкин (кумулятив имтиёзли акциялар).

Дивидендлар акциядорлик жамиятининг ҳисобот давридаги соф фойдасидан (солиқлар тўланган сўнг қолган фойда) тўланади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

Дивидендлар тўланиши учун жамиятнинг кузатув кенгаши дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатини тузади. Оралиқ дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига кузатув кенгаши дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан камида 30 кун олдин акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчилари, йиллик дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига эса акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга

бўлган шахслар рўйхати тузиладиган кунгача акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчиларини киритилади.

Йиллик дивидендларни тўлаш санаси жамият уставида кўрсатилади ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланиши мумкин. Иккинчи вариант мақбулроқ ҳисобланади. Чунки дивидендлар жамиятнинг ҳисобот йилидаги соф фойдасидан тўланади, фойда ва зарарлар ҳисобварағи акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиши, шунингдек умумий йиғилиш кузатув кенгаши тавсияси билан соф фойданинг дивидендларга ажратиладиган қисмини белгилаши лозим. Йиллик дивидендларни тўлаш санаси шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим. Оралиқ дивидендларни тўлаш санаси эса кузатув кенгашининг шундай қарори қабул қилинган кундан эътиборан камида 30 кун кеч белгиланиши лозим.

Дивидендлар тўланишида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акцияларга жамият уставида қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлса, жамият бундай акциялар бўйича дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Бу ҳолда имтиёзли акциялар эгалари дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Фойда етарли бўлмаганда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар шу мақсад учун ташкил этилган заҳира фонди ҳисобидан ва фақат мазкур фонд доирасида тўланиши мумкин.

Давлат корхонасини қайта тузиш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятида дивидендлар устав фондининг бошланғич миқдorigа мувофиқ тарзда ҳисобланади. Жамиятнинг ҳали сотилмаган акциялари давлат ихтиёридаги акциялар деб эътироф этилиб, улар бўйича ҳисобланган дивидендлар давлат улушига тегишли дивидендларга киритилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 58-моддасига биноан акциядорлик жамияти умумий йиғилиш қарори билан белгиланган дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган сумма юзасидан Марказий банк ўрнатган қайта молиялаш ставкаларига мувофиқ миқдорда усим (пеня) тўлаб бериши лозим. Акциядор ўзига ҳисоблаб ёзилган дивидендларни суд орқали талаб қилишга ҳақли. Талаб қондирилмаса, қонунчиликда белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш (санация) ёки банкрот бўлган деб эълон қилиш тадбири қўлланади.

Устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларида дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 29 мартда 133-рақам билан рўйхатга олинган ва Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ҳиссадорлик жамиятлари томонидан дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳақида Низом”га риоя қилиниши лозим. Мазкур Низомга биноан давлат акцияларининг улуши 51 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида махсус фондларнинг умумий миқдори соф фойданинг 40 фоизидан ошмаслиги керак (заҳира фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, ижтимоий ривожлантириш фонди). Соф фойданинг қолган қисми дивиденд сифатида тақсимланиши лозим. Низом давлат улуши 51 фоиздан кам бўлган акциядорлик жамиятлари соф фойдаси тақсимланишига нисбатан алоҳида талаблар қўйган эмас.

1997 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 404-сонли “Давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари акциялари пакетларини жойлаштирилишини такомиллаштириш ва акциядорларнинг бошқаришдаги ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда “Давлат улушлари, акциялар пакетлари бўйича дивидендларнинг корхоналар томонидан ишлатилишини назорат қилиш тўғрисида Низом” тасдиқланди. Низом 1997 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 372-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Мазкур Низомда давлат улуши бўлган акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланиши тўғрилиги ва тўлалиги устидан, шунингдек корхоналар томонидан акциялар давлат улуши бўйича дивидендларнинг мақсадли ишлатилиши устидан

(корхонани ривожлантириш ва техникавий қайта қуроллантиришга) назорат тартиби белгиланди. Низомга биноан назорат қилувчи орган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидир. Назорат системали равишда (мунтазам) олиб борилади, давлат улуши бўлган акциялар бўйича дивидендлар мақсадга номувофиқ ишлатилганда Назоратчи орган маблағларни республика бюджетига олиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари (Кузатув кенгаши ёки ижроия органи) устав фондида давлат улуши мавжуд бўлса, Назоратчи органга (Молия вазирлигига) дивидендлар тўланиши ҳақида қарор қабул қилинган санадан бошлаб 15 кундан кечиктирмай давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендлар ҳақида, шунингдек жамиятнинг ҳисобот давридаги хўжалик фаолияти якунлари тўғрисида ахборотни тақдим этишлари лозим. Бу ахборот таркибига қуйидагилар киради:

- корхона йиллик баланснинг ва фойда ва зарарлар ҳақида ҳисоботининг нусхалари;
- аудитор хулосасининг нусхаси;
- дивидендлар тўланиши, тўлов муддатлари ва бир акцияга дивиденд миқдори ҳақида акциядорлар умумий йиғилиши баённомасидан кўчирма;
- давлатга тегишли акциялар пакети бўйича ҳисобланган дивидендлар ҳақида белгиланган шаклда ахборот.

Давлат улуши бўйича дивидендлар акциядорлик жамияти томонидан дивидендлар тўланиши ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 4 ойдан кечиктирмай тўлаб берилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 404-сонли қарорида акциядорлик жамиятларига Давлат мулки қўмитаси ёки у ваколат берган орган билан шартнома тузган ҳолда давлат улуши бўйича дивидендлардан 5 йилгача муддатга, қайтарилиши шарти билан, корхонани ривожлантириш ва техникавий қайта қуроллантириш учун фойдаланишга рухсат берилган.

Давлатга тегишли дивидендлардан корхонани ривожлантириш мақсадлари учун фойдаланмоқчи бўлган акциядорлик жамияти акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан 10 кундан кечиктирмай бу ҳақда Давлат мулки қўмитасига ва Назоратчи органга хабар беради. Хабарда корхона давлатга тегишли дивидендлардан қанча муддат фойдаланмоқчи эканлиги ҳамда зарур ҳужжатларни қайси санага қадар тақдим эта олишини кўрсатади. Назоратчи органга ҳужжатлар тақдим этилиши санаси дивидендлар тўланиши охириги санасидан ва йилнинг 1 августидан кечбўлмаслиги лозим.

Корхона билан Давлат мулки қўмитаси ёки у ваколат берган орган ўртасида давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлардан корхонани ривожлантириш ва техникавий қайта қуроллантириш учун фойдаланиш ҳақида шартнома тузилгандан сўнг акциядорлик жамияти Назоратчи органга 30 кундан кечиктирмай қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- шартнома нусхаси. Шартномада маблағларни қайтариш муддати, маблағларнинг ишлатилиши аниқ мақсадлари, ҳисобот бериш муддатлари ва тартиби кўрсатилган бўлиши лозим;
- корхона бошқарув органи тасдиқлаган бизнес-режа;
- давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлардан фойдаланиш заруриятининг асосномаси;
- Назоратчи органга бизнес-режа бажарилиши ва маблағлар мақсадли ишлатилиши ҳақида ахборотлар ва ҳисоботлар тақдим этилиши графиги. Ҳисоботлар ярим йиллик ва йиллик якунлар бўйича бериб борилади.

III БОБ “ҚАРШИ ЁҒ ЭКСТРАКЦИЯ” ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИДА АКЦИОНЕРЛИК КАПИТАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАМОИЛЛАРИ

3.1. Акционерлик корхоналари капиталининг шакллантиришнинг методолик асослари ва акциядорлик жамияти иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Мамлакатимизда акциядорлик жамияти иштирокчиларининг (акциядорларнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, “Мулк тўғрисида”, “Тадбиркорлик тўғрисида”, “Корхона тўғрисида” қонунларнинг, Фуқаролик кодексининг мулкга эгалик ва уни эркин тасарруф қилиш ҳақидаги қоидаларига асосланади. Шу билан бирга “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида” Қонунда акциядорларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари оидинлаштириб берилган. Мазкур Қонуннинг 27-моддасига биноан акциядорлар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- тегишли акциядорлик жамиятининг акциядорлари реестрига киритилиш;
- акциядорлик жамияти акциядорлари реестридан ўзлари ҳақида қимматли қоғоз ҳисобланмайдиган кўчирмалар олиш;
- акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисmini олиш;
- акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш;
- акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш (Қонуннинг 107-моддасига биноан бухгалтерия ҳисоб-китобига доир ҳужжатлар ва жамиятнинг коллегиял ижроия органи мажлислари баённомалари бундан мустасно). Акциядорнинг талабига биноан жамиятнинг устави ва унга киритилган ўзгартиришлар, йиллик молия ҳисоботи, акциядорлар умумий йиғилиши баённомалари, аудитор ва давлат молия органларининг ҳулосалари ва жамият уставида назарда бошқа ҳужжатлар нусхалари ҳақ эвазига берилиши шарт, тўланадиган ҳақ миқдори ҳужжатларни нусхаларини тайёрлаш ва жўнатиш харажатлари йиғиндисидан ортиқсиз керак;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган органда, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- инвестиция институтларининг ва эмитентларнинг ўқувсиз ёки ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бириктириш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисmini йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ хатардан суғурталаниш;
- акциядорлар жамияти уставида белгиланган ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлган акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беришини назарда тутди. Оддий акциялар эгалари акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилишнинг ваколатига кирувчи барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этадилар, жамият фойдаси бир қисmini дивиденд сифатида олиш ҳуқуқига, жамият тугатилган тақдирда эса, амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилган ҳолда, жамият мол-мулкнинг бир қисmini олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Имтиёзли акциялар эгаларининг ҳуқуқлари оддий акциялар эгаларининг ҳуқуқларидан бир мунча фарқ қилади. Одатда имтиёзли акцияларнинг эгалари акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Шу билан бирга имтиёзли акцияларга дивидендлар муайян даражаси жамиятнинг уставида кафолатлаб

қўйилади. Жамият тугатилган тақдирда ҳам бундай акциялар тугатилиш қиймати белгилаб қўйилиши лозим. Агар жамият уставида имтиёзли акцияларга дивидендлар миқдори белгиланмаган бўлса, бундай акцияларнинг эгалари оддий акциялар эгалари билан барабар дивидендлар олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, имтиёзли акцияларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда дивидендлар тўлиқ миқдорда тўлаб берилгунгача имтиёзли акциялар эгалари акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг XIII бўлимида акциядорлар ҳуқуқларини ҳимояланиши механизми белгилаб берилган. Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини давлат кафолатлайди (113-модда). Акциядорларнинг ҳуқуқлари акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция институтлари ва фонд биржалари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиларининг қўнгилли бирлашмалари, суғурта ташкилотлари, давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган, аудиторлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳимоя қилинади (114-модда).

Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ҳуқуқни тан олиш;
- ҳуқуқ бузилгунига қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузувчи ёки ҳуқуқни бузиш таҳдидини солувчи ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;
- битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва уни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
- ўзини ўзи ҳимоя қилиш;
- натура ҳолида ижро этишга ҳукм қилиш;
- зарарларни қоплатиш;
- бурдсизлик тўловини (неустойка) ундириш;
- маънавий зарар учун товон ундириш;
- ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш ёки ўзгартириш.

Акциядорлар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ихтиёрий асосда жамоат бирлашмаларига уюшишга ҳақлидирлар (115-модда).

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 15-моддасида акциядорлик жамияти иштирокчиларининг мажбуриятлари жамиятнинг уставида қайд этилиши белгилаб қўйилган. Одатда, жамият уставида акциядорларга уставда ва жамиятнинг таъсис шартномасида белгиланган тартибда, миқдорларда ва усулларда акцияларни тўлаб бериш, қонунчиликда ва жамият уставида белгилаб берилган тартибда жамиятни бошқаришда қатнашиш, жамият фаолияти тўғрисида тижорат сири бўлган ахборотни махфий сақлаш ва бошқа шу каби мажбуриятларни юклаш мумкин.

Акциядорнинг акциядорлик жамияти билан ўзаро муносабатларининг энг муҳим жиҳатлари жамиятни бошқаришда қатнашиш ва жамият фаолиятдан даромад олишдир. Бу масалаларни ҳал этишда акциядор ўзи бевосита ҳаракат қилиши ёки ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга (масалан, реестр сакловчига) бериши мумкин. Одатда, корхонанинг ходими бўлмаган акциядорлар ўз ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун етарли вақтга эга эмаслар. Жамиятни бошқаришда фаол иштирок этиш ундан доимий равишда ахборотлар олиб туришни, касбга ва соҳага доир муаммоларни билишни, жамиятнинг ижроия органлари билан мунтазам алоқани ва бошқарув тадбирларида бевосита қатнашишни тақозо қилади.

Акцияларни очик турдаги ва ёпик турдаги акционерлик жамиятлари чиқариши мумкин. Очик турдаги акционерлик жамияти акциялари бошқа акционерларнинг розилигисиз кулдан кулга утиши мумкин. Ёпик турдаги акционерлик жамиятининг акциялари факат муайян кишиларнинг номига берилади. Акциянинг бошқа кишиларга берилиш тартиби низомда белгиланади.

Ёпик турдаги акционерлик жамиятлари акционерларга акциялар урнига акцияларнинг номинал кийматига баробар булган микдорда сертификатлар бериши мумкин.

Акционерлар:

- тегишли Акционерлик жамиятининг Акционерлари реестрига киритилиш;
- Акционерлик жамияти Акционерлари реестридан узлари хакида кимматли коғоз хисобланмайдиган кучирмалар олиш;
- жамият фойдасининг бир кисмини дивидендлар тарзида олиш;
- акционерлик жамияти тугатилган такдирда узларига тегишли улушга мувофик мол-мулкнинг бир кисмини олиш;
- Акционерлик жамиятини бошкаришда иштирок этиш;
- Акционерлик жамиятининг уставига мувофик эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тугрисида тулик ва тугри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- давлат томонидан кимматли коғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиклаштириш юзасидан ваколат берилган органда, шунингдек, судда уз ҳукуklarини химоя килиш;
- инвестиция институтлари ва эмитентларнинг укувсиз ёки гаразли хатти-харакатлари туфайли курган зарарнинг туланишини талаб килиш;
- уз манфаатларини ифодалаш ва химоя килиш максидида уюшмалар ва бошка жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- кимматли коғозлар сотиб олиш вақтида зарар куриш ва (ёки) фойданинг бир кисмини йўқотиш эҳтимоли билан боглик таваккалчиликни сугурталаш ҳукукига эга.

Акционерлар жамият уставида назарда тутилган бошка ҳукуklarга ҳам эга буладилар.

Жамиятнинг ҳар бир оддий (одатдаги) акцияси унинг эгаси булмиш Акционерга бир хил ҳажмда ҳукуklar беради.

Оддий акцияларнинг эгалари булмиш Акционерлар конунга ва жамият уставига мувофик Акционерлар умумий йигилишида мазкур йигилиш ваколатига кирадиган барча масалалар буйича овоз бериш ҳукуки билан иштирок этиши мумкин, шунингдек, дивидендлар олиш, жамият тугатилган такдирда эса, жамият мол-мулкнинг бир кисмини олиш ҳукукига эгадир.

Жамият имтиёзли акциялари эгалари булмиш Акционерлар, агар Конунда ёки жамият уставида жамиятнинг муайян турдаги имтиёзли акциялари учун бошқача коида белгиланмаган булса, Акционерларнинг умумий йигилишида овоз бериш ҳукукига эга эмаслар.

Жамиятнинг бир турдаги имтиёзли акциялари уларнинг эгалари булмиш Акционерларга бир хил ҳажмда ҳукуklar беради ва одатдаги акциялар бир хил номинал кийматга эга булади.

Жамият тугатилган такдирда ҳар бир турдаги имтиёзли акциялар буйича туланадиган дивидендлар ва (ёки) кийматнинг (тугатилиш кийматининг) микдори жамият уставида белгилаб куйилиши лозим. Дивиденд микдори ва тугатилиш киймати катъий пул суммасида ёки имтиёзли акцияларнинг номинал кийматига нисбатан фоизларда белгиланади. Агар имтиёзли акциялар буйича дивидендлар микдори ва тугатилиш кийматини аниклаш тартиби жамият уставида курсатилган булса ҳам улар белгиланган хисобланади. Дивиденд микдори белгиланмаган имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий (одатдаги) акцияларнинг баравар дивидендлар олиш ҳукукига эга. Агар жамият уставида икки ва ундан ортик турдаги имтиёзли акция назарда тутилган булса, жамият уставида имтиёзли акцияларнинг ҳар бир тури буйича дивидендлар ва тугатилиш кийматини тулаш навбати ҳам белгиланган булиши керак.

Муайян турдаги имтиёзли акциялар буйича дивиденд микдори уставда белгиланган булиб, туланмаган ёки ҳамма туланмаган дивиденд жамгарилиб борилиши ва кейинчалик туланиши (кумулятив имтиёзли акциялар) жамият уставида белгилаб куйилиши мумкин. Жамият уставида муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг оддий

акцияларнинг ёки бошқа турдаги имтиёзли акцияларга эркин айирбошланиши ва шартлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлиш Акционерлар Акционерларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳукуки билан иштирок этадилар. Муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акционерлар Акционерларнинг умумий йиғилишида жамият уставига шу турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлиш Акционерларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган узгартиришлар ва қушимчалар киритиш, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича туланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки қўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки қўпайтириш масалалари, шунингдек, бошқа турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлиш Акционерларга дивиденд ва (ёки) акциянинг тугатилиш қийматини тулаш навбати бўйича имтиёзлар бериш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини оладилар.

Дивиденд миқдори жамият уставида белгилаб қўйилган муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлиш Акционерлар, кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари истисно этганда, ана шу турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тулаш тугрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тулик туланмаслик тугрисида қарор қабул қилинган Акционерларнинг йиллик умумий йиғилишида ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳукуки билан Акционерларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Бундай турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари Акционерлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуки мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тулик туланган даврдан бошлаб тўхтатилади. Муайян турдаги кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари ана шу акциялар бўйича жамғарилиб қолган дивидендларни тулик миқдорда тулаш тугрисида қарор қабул қилиши лозим бўлгану, аммо бундай қарор қабул қилинмаган ёхуд дивидендни тулик миқдорда туламаслик тугрисида қарор қилган Акционерларнинг йиллик умумий йиғилишидан эътиборан умумий йиғилишнинг ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича Акционерларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳукуки билан иштирок этишга ҳақли. Муайян турдаги кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгаларининг Акционерлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуки мазкур акциялар бўйича жамғарилиб қолган барча дивидендлар тулик миқдорда туланган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

Агар жамият уставида муайян турдаги имтиёзли акцияларни одатдаги акцияларга айирбошлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса, жамият устави бу турдаги имтиёзли акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқини назарда тутиши мумкин. Бунда ана шундай имтиёзли акция эгаси узига қарашли имтиёзли акцияни айирбошлаш мумкин бўлган одатдаги акциялар бўйича овозлар сонидан ошиб кетмайдиган миқдорда овозларга эга бўлади.

3.2. Акционерлик капиталини қўпайтириш ва камайтириш орқали унумли фойдаланиш йўллари

Акциядорлик жамиятларида акционерлик капиталини қўпайтириш ва камайтириш қоидалари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуннинг 21-22- моддаларида ёритиб берилган.

Акциядорлик жамиятининг акционерлик капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин. Акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан устав фондиди қўпайтириш тўғрисида қарорни акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият уставида кўрсатилган бўлса қўзғатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Акциядорлар умумий йиғилиши ўз қарори билан бу масалани этишни қўзғатув кенгашига топширилиши мумкин.

Акциялар номинал қийматини ошириш қўйидаги ҳолларда зарур ёки мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин:

- акциядорлик жамиятининг балансида катта миқдордаги тақсимланмаган фойда йиғилиб қолди ва корхона уни истеъмол мақсадларига ишлатмоқчи эмас. Бу ҳолда акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан устав фондини кўпайтириш кредиторлар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши кафолатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда корхонанинг ўз шериклари ва ҳамкорлари олдидаги обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилади;

- корхона активларининг қайта баҳоланиши натижасида пассивда салмоқли миқдорларда қўшилган капиталнинг вужудга келиши. Активлар қайта баҳоланиши Ҳукумат қарорларига мувофиқ равишда ёки активларнинг бозор баҳолари билан бухгалтерия ҳисобидаги баҳоларда жиддий тафовутлар мавжуд бўлиб, бу активлардан корхонанинг бошқа шахслар билан ҳисоб-китобларида фойдаланиш зарур бўлиб қолганда амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоби ҳақида қонунчилик активларни корхона балансида бозор баҳолари ва ҳақиқий таннархдан қайси бири пастроқ бўлса шу баҳоларда ҳисобга олинишини белгилаб қўйган. Хўжалик амалиётида айланма активларнинг қайта баҳоланиши натижалари корхонанинг даромадида акс эттирилади, узоқ муддатли активлар қайта баҳоланиши натижалари эса қўшилган капиталга олиб борилади. Шундай қилиб, айланма активлар қайта баҳоланишидан ҳосил бўлган ижобий натижа бўйича корхона даромад солиғи тўлайди, узоқли муддатли активлар қайта баҳоланиши ижобий натижалари эса солиққа тортилмайди.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан акциядорлик жамиятининг устав фондини кўпайтириш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан ёки, уставда кўзда тутилган бўлса, кузатув кенгашининг қарори билан амалга оширилади. Қўшимча акциялар жамиятнинг уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда оддий акцияларнинг ва ҳар бир турдаги имтиёзли акцияларнинг эълон қилинган миқдорлари ва улушлари доирасида жойлаштириладиган акциялар сони, муддатлари ва шартлари, шунингдек жойлаштириладиган акцияларни сотиб олишда қонунчиликка биноан имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун қўшимча акцияларнинг баҳоси белгиланган бўлиши лозим.

Акциядорлик жамиятининг устав фондида давлатнинг улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган ҳолларда қўшимча акциялар чиқариш йўли билан жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳуқуқи фақат Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни куллаб-қувватлаш қўмитасига тегишли бўлади.

Акциядорлик жамиятининг устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Устав фондини камайтириш икки хил йўл билан амалга оширилиши мумкин: акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акциялар умумий сонини қисқартириш. Акциялар умумий сони, одатда, акцияларнинг бир қисmini жамиятнинг ўзи томонидан сотиб олиниши ва бу акцияларни муомаладан чиқариб ташланиши орқали қисқартирилади. Лекин, бунинг учун жамиятнинг уставида жамият томонидан ўз акцияларини сотиб олиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, жамиятнинг устав фонди камайтирилишда унинг миқдори қонунчиликда белгилаб қўйилган акциядорлик жамияти устав фондининг минимал миқдоридан камайиб кетишига йўл қўйилиши мумкин эмас. Бундай ҳол юз берадиган бўлса, жамиятни қайта тузиш ёки тугатиш лозим бўлади.

Қонунчилик акциядорлик жамиятининг устав фонди камайтирилишида кредиторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини назарда тутди. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб кечи билан 30 кун ичида жамият бундан ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Кредиторлар ўзига хабар юборилган санадан эътиборан кечи билан 20 кун ичида жамиятдан мажбуриятларнинг муддатидан олдин ижро этилишини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Жамиятнинг устав фондини камайтиришда акциядорларнинг манфаатлари ҳам ҳимоя қилиниши лозим. Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинadиган акцияларнинг турлари, ҳар бир турдаги акциялар сотиб олинadиган сони, сотиб олиш баҳоси, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, акциялар қанча муддатда сотиб олиниши белгилаб қўйилади. Худди шу маълумотлар акциялар сотиб олинadиган муддат бошланмасдан камида 30 кун аввал акцияларнинг эгаларига хабарнома билан маълум қилинади.

Сотиб олинаётган акцияларга пул билан ҳақ тўланади. Шу билан бирга жамиятнинг уставида акциялар ҳақини тўлаб беришнинг бошқа усуллари ҳам белгиланиши мумкин. Оддий акцияларни сотиб олиш баҳоси бозор баҳосига мувофиқ белгиланади. Сотиб олиш муддати 30 кундан кам бўлмаслиги лозим. Сотиб олиниши белгиланган акцияларни ҳар бир акциядор жамиятга сотишга ҳақли, жамият эса сотиб олишга мажбур. Лекин акциядорлардан акцияларни жамиятга сотиш учун тушган аризалардаги умумий миқдор сотиб олиниши мўлжалланган акциялар миқдоридан ортиб кетса, аризаларда кўрсатилган талаблар мутаносиб равишда кондирилади (яъни ҳар бир ариза бўйича акцияларни сотиб олиш олинadиган акциялар сонига мутаносиб равишда амалга оширилади).

Имтиёзли акциялар жамият уставида белгиланган баҳоларда сотиб олинади. Қонунчиликда акциядорлик жамиятининг жойлаштирилган акцияларни жамият томонидан сотиб олинишига чекловлар мавжуд. Жамият қуйидаги ҳолларда ўз оддий акцияларини сотиб олишга ҳақли эмас:

- жамиятнинг бутун устав фонди батамом тўлангунча қадар, агар оддий акцияларни сотиб олиш пайтида жамиятда банкротлик белгилари бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни сотиб олганлиги натижасида пайдо бўлса;

- оддий акцияларни сотиб олиш вақтига келиб ёки уларни сотиб олиш натижасида жамиятга қарашли соф активлар қиймати (балансдаги активлар бозор қиймати минус жамиятнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари умумий суммаси) жамиятнинг тўлаб берилган оддий акциялари, резерв фондлари ва имтиёзли акцияларининг жамият уставида белгиланган тугатилиш қиймати йиғиндисидан (жамиятнинг ўз маблағлари манбаларидан) камайиб кетса (мазмунан бу ҳол ҳам банкротлик аломатини билдиради).

“Банкротлик тўғрисида” Қонуннинг янги таҳрири (1998 йил) 83-моддаси банкротлик бўйича иш кўзгатилишидан аввалги олти ой мобайнида корхона мулкидан иштирокчининг улушини қайтариб олиш бўйича тузилган битишувлар ташқи бошқарувчи ёки кредиторнинг аризаси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлигини ва мулк корхонага қайтарилишини белгилаб берган. Мазкур қонуннинг 3-моддаси юридик шахс томонидан пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини муддати етиб келган пайтдан бошлаб 6 ой мобайнида қондира олмаслиқни банкротлик аломати деб талқин этади. Демак, акциядорлик жамияти сурункали равишда тўловга қобилиятсиз бўлиб қолса жамият акцияларини сотиб олишни ҳам тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонун қатор ҳолларда акциядорларга ўзларига тегишли акцияларнинг жамият қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқини беради ва Қонуннинг 44-45-моддалари бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши тартибини белгилайди. Мазкур ҳуқуқ доирасида қўйилган талабларни тўла бажармасдан туриб, акциядорлик жамияти ўзининг бошқа акцияларини қайтариб сотиб олишга ҳақли эмас.

Қуйидаги ҳолларда акциядорлар жамиятдан акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қила оладилар:

- акциядорлар умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ёки йирик битим тузиш ҳақида ижобий қарор қабул қилинганда қарши овоз берган бўлсалар ёки узрли сабабларга кўра йиғилишда иштирок этмаган бўлсалар;

- жамият уставига акциядорлар ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда ёки жамиятнинг устави уларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган

тарзда янги таҳрирда тасдиқланганда бунга қарши овоз берган бўлсалар ёки овоз беришда узрли сабабларга кўра қатнашмаган бўлсалар.

Бундай акцияларни сотиб олиш мазкур қарорлар қабул қилинган кундаги баҳоларда амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга бу хилдаги акцияларни сотиб олишга ажратиладиган маблағ қарор қабул қилинган кундаги жамият соф активлари суммасининг ўн фоизидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Акциядорлардан қайтариб сотиб олинган акциялар бир йил ичида бошқа инвесторларга сотиб юборилиши лозим. Агар бунга эришилмаса, мазкур акциялар бекор қилиниб, устав фонди тегишли равишда камайтирилиши зарур.

Акцияларни йириклаштириш ва майдалаш акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ амалга оширилади. Бундай ҳолларда жамиятнинг уставига акциялар номинал қиймати ва сонига доир тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Юқорида кўриб чиқилган асосий вазифаларнинг изчил ва оғишмай бажарилиши пировардида корхона иқтисодиётининг янада барқарор ва юқори суръатлардаги ўсиши ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларини камайтиришга имкон яратади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намойён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллариининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ушбу битирув малакавий ишида бозор муносабатлари ҳамда ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида акционерлик корхоналарида капиталдан унумли фойдаланишининг асосий йўналишлари Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган «Қарши ёғ экстракция» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти мисолида кўриб чиқилди. Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидагилар аниқланди:

Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатаётган «Қарши ёғ экстракция» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятининг ўз капиталлари қуйидаги манбаалар ҳисобига шакллантирилган:

- Низом жамғармаси- яъни корхона ўз фаолиятини бошлаган даврда унинг тасисчилари томонидан шакллантирилган ва корхонанинг бошланғич харажатлари – ишлаб чиқариш воситалари, асосий ва ёрдамчи воситаларни сотиб олиш, модернизация қилишга сарфланган маблағлар;
- Корхонанинг захира фонди – яъни корхона фаолиятини ички суғурталаш мақсадида ўз капиталининг захарига олиб қўйилган қисмидан;
- Махсус молиявий жамғармасидан – яъни акционерлик корхонаси акциядорларга ҳисобланган лекин, акциядорлар олмаган дивидендларидан шаклланган жамғарма маблағларидан;
- Акционерлик корхонаси фаолиятидан олган даромаднинг тақсимланмаган фойда ҳисобига шаклланган маблағлардан;

«Қарши ёғ экстракция» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида капиталдан унумли фойдаланишини бошқариш бу нафақат аввалдан жамғарилган капиталлар билан муомила қилиш, балки корхона ўз маблағларни кўпайтириш учун янги манбаалар қидиришини ҳам ўз ичига олади. Бундан янги капиталларни жалб этишда ҳам ички имкониятлар, ҳам ташқи инвесторлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Акционерлик корхоналарнинг капиталларни кўпайтиришда ички имкониятлар сифатида - акцияларнинг қўшимча эмиссиясини муомилага чиқариш, шунингдек, тасисчиларнинг корхона низом жамғармасидаги пай бадалларини кўпайтириш ва бошқа манбааларга таяниш мумкин. Бу борада «Қарши ёғ экстракция» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти томонидан 4250000 дона эгаси ёзилган оддий нақдсиз акцияларини эмиссия қилиши режалаштирилган. Муомалага чиқарилган 4250.000 дона акцияларни сотишдан тушган маблағ жамият Устав фондини тўлдиришга йўналтирилади, шунингдек ишлаб чиқаришни янги техника дастгоҳлари билан модернизиациялаштиришга сарфланиши эмиссия рисоласида белгиланган.

Хулоса ўрнида «Қарши ёғ экстракция» очиқ турдаги хиссадорлик жамияти томонидан акционерлик капиталдан фойдаланишни самарадорлигини оширишни ташкил этиш мақсадида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш воситаларини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этишда лизинг хизматидан фойдаланиш;

- корхона акцияларни фонд биржаларида тендер, ким ошди савдоси асосида ҳамда тўғридан тўғри келишувлар орқали сотиш:
- корхона акцияларини тўлиқ ёки қисман бир ёки бир гуруҳ хорижий инвесторга сотиш натижасида тўлиқ ёки қисман хорижий сармоя асосида корхона ташкил этиш:
- банкрот бўлган корхоналарнинг активларини ким ошди савдосининг олдиндан белгиланган мезонлари асосида очик савдоларда сотиб олиш:
- корхонанинг қўмас мулкларини ким ошди ва конкурс асосида тўғридан тўғри сотиш:
- инвестицион лойиҳалар бўйича давлат буюртмалари бўйича очик тендер танловларида иштирок этиш.

Низом жамғармасини ошириш йўли билан корхонага янги инвестициялар киритиш ҳамда корхонанинг акциялар бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш:

- хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш:
- корхона акцияларини хорижий сармоя иштирокида ташкил этилган инвестиция банкларида, суғурта компанияларида, инвестиция фондларида суғурталаш
- эркин иқтисодий савдо ҳудудларини барпо этишда бевосита иштирок этиш:

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтшнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1995.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболининг тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўрисидаги қонун. 1990 йил 31 октябр. - Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил №31-33.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўрисида» ги қонуни. «Солиқ тўловчининг журнали», №2, 1999.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўрисида»ги қонуни «Солиқ тўловчининг журнали» №9, 1998 йил 30 апрел.
7. Ўзбекистон Республикасининг Кооперация тўрисидаги 1991 йил 14 июн қонуни - Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил 8-сон.
8. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият тўрисидаги 1991 йил 14 июн қонуни. - Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил 8-сон.
9. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўрисида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрел қонуни. - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил. 4-5 сон.
10. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрел қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалик қорхоналарини санация қилиш тўрисидаги 1997 йил 25 декабрдаги қонуни. - Халқ сўзи 1997 йил 15 январ.
12. Стандартлаштириш тўрисида Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 28 декабр қонуни. - Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил 2-сон.
13. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5-февралдаги «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига қиритиладиган маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молия натижаларни шакллантириш тартиби тўрисида»ги низомни тасдиқлаш тўрисидаги 54-сонли қарори. (2003 йил 25 декабрдаги 567 сонли қарор асосидаги ўзгартиришлар билан).
14. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.қ., Исроилов Б.И. Қорхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Тошкент. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2003.
15. Абулқосимов Х. Қорхонанинг халқаро маркетинг фаолияти. Тошкент, «Академия» нашриёти, 2002.
16. Бизнес план фирмў. Буров В.П. и др. М.: «ЭКМОС», 2000.
17. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. Т., «Ўқитувчи». 1996.
18. Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес-режанинг моҳияти. Маъруза матни, Абдукаримов Б.А. Самарқанд, 1997.
19. Вечный дух предпринимательства. Кадзуми Татензи. Киев. «Укрзакардонвизасервис». 1992.
20. Гозибеков Д.Е. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т. «Молия», 2003
21. Головкова Н.С., Заболатная Н.В., Хербакова И.Г. Финансова-экономическое состояние предприятия: Учебное пособие. БУПК. Белгород, 2003.
22. Гозиев Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия» – 2003 й.
23. Гуломов С.С. Инвестицияларнинг лойихавий таҳлили. Т.: 1998 йил.
24. Захаров А.Н. и др. Управление качеством продукции. Учебное Пособие, БУПК. Белгород. 2003
25. Ионов В.И. «Инвестиционное проектирование» –М.: «Издельство ПРИОР», 1998
26. Ишмухамедов А.Э. «Лойиха таҳлили» –Т.: ТДИУ, 1998
27. Қутбетдинов А.Т., Абдукаримов Б.А Қорхонанинг бозор модели. Маъруза матни, Самарқанд 2000.
28. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Мехнат иқтисоди ва социологияси. Ўқув қўлланма. Самарқанд 2002.